

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**“ЕВРОСИЁ” ЖАМГАРМАСИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Щербакова Г.Л.**

**“МАҲАЛЛИЙ МОЛИЯ  
МЕНЕЖМЕНТИ”**

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети  
ўқув-услубий Кентгани томонидан ўқув қўлланма  
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Алабиёт жамғармаси нашриёти,  
Тошкент 2004.

65, 290-93 Молия менежмент

Ушбу лойиҳа “Евросиё” жамғармаси кўмагида, Америка Кўшма Штатларининг Ҳалқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) тақдим этган маблағлар ҳисобига амалга оширилди. Муаллифларнинг ушбу ҳужжатда ифодаланган нуқтаи назари Ҳалқаро Тараққиёт Агентлиги ёки “Евросиё” жамғармасининг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин.

10 31725  
291

©Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,  
Тошкент 2004.



HO

Щербакова Г.Л. Маҳаллий молия менежменти. Ўқув кўлланмаси. – Т.: ТДИУ, “ЕВРОСИЁ”, 2004 йил. -96 бет.

Ўқув кўлланмасида маҳаллий (муниципал) молия менежменти предметининг мазмуни, маҳаллий молиянинг моҳияти, функциялари ва принциплари баён этилган, бюджет жараёни тушунчалиси очиб берилган ва унинг бошқа компонентлар – иқтисод, прогноз, бошқарип билан алоқаси кўрсатилган. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими (тузиш ва таснифлаш принциплари, давлат бюджети ва маҳаллий бюджетнинг даромадлари ва харажатлари, бюджетлараро муносабатлар) кўриб чиқилган. Молия менежментининг асосий тушунчалари, обьекти (молиявий кўрсаткичлар ва молиявий жараёнлар мажмуси) ва субъектлари (давлат ва маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, корхоналар, нотижорат ташкилотларининг молия хизматлари)га тавсиф берилган.

Кўлланмада минтақа миқёсида молия ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш жараёнининг, минтақавий ва маҳаллий бошқарув миқёсида фуқароларнинг конституциявий кафолатлари ни рўёбга чиқаришнинг асоси – бюджет билан таъминланганлик ва минимал бюджет тушунчаларининг мазмуни очиб берилган.

Ўқув кўлланмаси иқтисод факультетлари ва бошқарув факультетларининг талабаларига мўлжалланган бўлиб, ундан шунингдек минтақавий ҳокимият ва бошқарув органларининг ходимлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

**Масъул муҳаррир:** акад. Фуломов С.С.,  
проф. Ш.Р. Холмўминов  
доц. М.З. Каланова

**Тақризчилар:** и.ф.д., проф. Рашидов О.Ю.;  
и.ф.н.. Нуриев Ш.З.

## **МУНДАРИЖА**

Кириш.....	6
<b>I БОБ. ДАВЛАТ МОЛИЯСИ ВА МАҲАЛЛИЙ (МУНИЦИПАЛ) МОЛИЯ – АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР.....</b>	<b>8</b>
1.1. Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг моҳияти ва таркиби... ..	8
1.2. Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг асосий функциялари... ..	9
1.3. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг тузилмаси.....	11
1.4. Бюджет таснифи ва бюджет тизимининг иш принциплари....	12
1.5. Муниципал ёки маҳаллий молия.....	14
1.6. Бюджет жараёнини ташкил этиш.....	15
Қисқача хуносалар.....	18
Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар.....	20
Асосий адабиётлар.....	21
<b>II БОБ. МОЛИЯ МЕНЕЖМЕНТИНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ.....</b>	<b>22</b>
2.1. Молия менежментининг моҳияти, турлари, босқичлари.....	22
2.2. Молия менежментининг функциялари.....	24
2.3. Молия менежменти бошқарув комплекси сифатида.....	26
2.4. Молия механизми тушунчаси.....	30
2.5. Молия ресурслари ва капитални бошқариш.....	33
2.6. Даромад келтирувчи кӯчмас мулкни баҳолаш.....	35
2.7. Корхонанинг жорий харажатларини бошқариш.....	39
2.8. Айланма воситаларни бошқариш.....	44
2.9. Молиявий таваккалчиликни бошқариш.....	49
2.10. Молия менежментида солиққа тортишнинг аҳамияти.....	57
2.11. Амортизация.....	58
2.12. Хўжалик юритишни молиявий таъминлаш.....	59
Қисқача хуносалар.....	68
Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар.....	71
Асосий адабиётлар.....	72

<b>III БОБ. МИНТАҚА МИҚЕСИДА БЮДЖЕТ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ.....</b>	<b>73</b>
3.1. Маҳаллий миқёсда молиявий сиёсат.....	73
3.2. Минтақа миқёсида бюджет ресурсларини бошқаришни мақбулаштириш.....	76
3.3. Минтақа бюджетининг даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш усувлари.....	78
3.4. Минтақанинг бюджет билан таъминланганлиги тушунчаси....	80
3.5. Иқтисодий таҳлилдан маҳаллий молия менежменти мақсадларида фойдаланиш.....	83
Қисқача хуносалар.....	87
Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар.....	90
Асосий адабиётлар.....	90
Матнда учрайдиган мураккаб сўз ва атамалар лугати.....	91
Кўшимча адабиётлар.....	94

## КИРИШ

Мустақиллик қўлга киритилиши билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати комплекс вазифаларни ҳал қилиши: мустақил ташки ва ички сиёсатни шакллантириши, фуқаролик жамиятини демократлаштириши, маъмурий бошқарув тизимининг асосларини бузиш ва хўжалик юритишнинг бозор иқтисодига асосланган механизmlарини шакллантириш билан боғлиқ ўтиш даври муаммоларини ҳал қилиши лозим эди.

Ўн йилдан ортиқ давр мобайнида ҳокимият ваколатларини марказдан жойларга бериш соҳасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Давлат бошқарувининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларига аҳолининг барча табақалари жалб этилмаса, янги мулкчилик муносабатларини шакллантириб бўлмайди.

Бу муносабат билан минтақавий ҳокимият ва бошқарув органларининг роли янада ортди. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилган конституциявий кафолатлар: таълим олиш, соғлиқни сақлаш, пенсия таъминоти ва бошқа ҳукуқларнинг рӯёбга чиқарилишини таъминлаши лозим бўлган барча механизmlар мана шу миқёсга ўтказилади.

Табиийки, минтақаларда маҳаллий ижтимоий-иқтисодий сиёсат мақсадларини, бу мақсадларни амалга ошириш механизmlарини мустақил ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга қодир малакали бошқарув кадрларига эҳтиёж ортади. Бунда молия ходимлари бош роллардан бири ўйнайди. Юқори молия органлари билан муносабатларни мақбул равищда тузиш ва маҳаллий бошқарув органларининг мулкидан самарали фойдаланиш учун молия ходимлари минтақа молиявий ресурсларининг салоҳиятини аниқлашлари лозим. Шунинг учун ҳам маҳаллий молия менежменти фанининг аҳамияди янада ортади, зотан, бу фан Ўзбекистон Республикасининг молия ва бюджет тизими фаолиятининг умумий принциплари ҳақида тасаввур берибгина қолмасдан, молиявий менежерни фирманинг молия менежменти асослари ҳақидаги билимлар билан ҳам куроллантиради.

Ушбу ўқув кўлланмасини тузишда бошқарувнинг қўйи погоналари роли тобора ортиб бораётганлиги эътиборга олинган. Унда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими тузилмаси, бюджетлараро муносабатларни шакллантириш асослари, фирмаларнинг молия менежментида, қимматли қоғоз бозорларида, валюта бозорида

қўлланилдиган асосий усуулар ва усуулар мухтасар баён этилган. Ўқув қўлланмасида маҳаллий молия ходимларини зарур молия во-ситалари билан қуроллантириш учун минтақанинг бюджет билан таъминланганлигига оид асосий тушунчалар берилган.

Минтақаларнинг бюджетларини тузиш жамият ҳәётининг бо-шиқа томонларидан айри ҳолда содир бўлини мумкин эмас. Шунинг учун ҳам мазкур ўқув қўлланмасини тузишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, минтақавий бошқарув бўйича республика ва чет эл, асосан МДҲ давлатлари тажрибасига таянилди.

Қўлланмада иқтисодий таҳлилдан маҳаллий молия менежменти мақсадларида фойдаланиш масаласига ҳам эътибор берилди. Моли-явий қарорларни танлашда молия ходимига айнан иқтисодий таҳ-лил ёрдам беради.

## I боб

### **Давлат молияси ва маҳаллий (муниципал) молия – асосий тушунчалар**

#### **1.1. Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг моҳияти ва таркиби**

**Давлат молияси ва маҳаллий молия –** бу реал пул айланишида молиявий ресурсларнинг марказлаштирилган фондларини таркиб топтириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш юзасидан вужудга кела-диган иқтисодий муносабатлар мажмудири.

Молиянинг моддий негизини пул айланиши ташкил этади. Реал пул айланиши – бу қийматни ҳаракатга келтирадиган, пул тўловлари ва ҳисоб-китоблари оқимлари кўринишида кечалиган иқтисодий жараён. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни молиялаш манбалари ҳисобланган молия ресурслари пул айланишинг обьектидир.

Давлат молияси ва маҳаллий молия иқтисоднинг давлат ва маҳаллий секторлари, ишлаб чиқариш ва жамоат секторини, бюджет ташкилотлари ва муассасаларини ривожлантиришининг энг муҳим дастурларини молиялашнинг марказлаштирилган манбалари-ни таъминлаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни ифода этади. Уларнинг фаолияти ижтимоий йўналтирилган иқтисодни ривожлантиришнинг умумий мақсадларига қаратилган.

Давлат молияси ва маҳаллий молия давлат молия тизими доирасида фаолият кўрсатади ва унинг марказий бўғини ҳисобланади. Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг таркиби I-расмда келтирилган.

<b>Давлат молияси ва маҳаллий молия</b>
<b>Бюджет тизими</b>
<b>Бюджетдан ташқари фондлар тизими</b>
<b>Давлат ва маҳаллий кредитлаш тизими</b>

1-расм

Иқтисодий категория сифатида молия молия тизимининг бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ислоҳ қилиш билан боғлиқ. Бу авваламбор макродаражадаги молия билан микродараражадаги молия ўртасидаги ўзаро алоқаларга тааллуқли.

Макродаражадаги молия – бу давлат бюджети ва маҳаллий бюджет. Улар корхоналарнинг молиясига асосланади. Молия иқтисодий ривожланишининг умумий мақсадларига эришишга кўмаклашади, шунинг учун ҳам уларни мақбул тарзда ташкил этиш талаб этилади. Давлат молияси ва маҳаллий молия учун бу айниқса муҳим. Давлат молияси ва маҳаллий молияни ташкил этиш ҳамда уларнинг иш принциплари қатъий белгиланиши лозим.

Давлат молияси ва маҳаллий молия соҳасида қарорлар қабул қилиш ахборотлар мажмуига асосланади. Қарор қабул қилиш пайтида ҳам, қарорнинг бажарилишини назорат қилиш жараёнида ҳам ахборотни таҳлилдан ўтказиш муҳим. Ахборот оператив ва статистик ҳисоботларда, шартнома ва битимларда, ҳисоб-китоб ҳужжатларида ва ҳоказоларда ифодаланади.

Давлат молияси ва маҳаллий молия давлат вазифалари ва маҳаллий вазифаларни ҳал қилиш мақсадларига изчил йўналтириллади.

## **1.2. Давлат молияси ва маҳаллий (муниципал) молиянинг асосий функциялари**

Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг асосий функциялари умуман молия тизимининг асосий функцияларидан келиб чиқади. Булар – **режалаштириш, ташкил этиш, рағбатлантириш ва назорат**.

1. **Режалашгириш** республика билан маъмурий ҳудудлар (вилоятлар, туманлар) ўртасида ваколатларни тақсимлаш асосида мақсадларни таърифлаш ва уларга эришиш йўлларини танлашни назарда тутади. Режалаштиришга шунингдек вақтга қараб ва эълон қилинган ривожланишнинг устувор йўналишларига мувофиқ ресурсларнинг чекланган ҳажмини тақсимлаш, уларни республика бюджети на маҳаллий бюджетлар ўртасида қайта тақсимлаш ҳам киради. Режалаштириш функцияси тегишли молия йилига ва истиқболга бюджетларни тузиш йўли билан амалга оширилади.

2. **Ташкил этиш функцияси** бюджетнинг тузилмасини белгилаш, бюджетни таснифлаш, бюджетни тузиш, тасдиқлаш ва ижро этиш тартибини белгилаш, ваколатли кредит ташкилотларини тан-

лаш, бюджет жараёнида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ва бошқарув органларининг ваколатларини чегаралаш, молия органлари функционал бўлимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашни ўз ичига олади.

**3. Рағбатлантириш функцияси** мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган фаолиятга асосланади.

**4. Назорат функцияси** қўйилган мақсадларга эришишга кўмаклашишдан иборат. Авваламбор, бу мақсадларни шакллантириш ва уларга эришиш даражасига баҳо бериш учун зарур норма ва меъёрларни ишлаб чиқиш, молиявий прогнозлар рўёбга чиқиши учун зарур шарт-шароитлар яратишдир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, давлат молияси ва маҳаллий молия пул айланиши билан боғлиқ. Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг пул айланиши билан боғлиқ функциялари мана шу муносабатлардан келиб чиқади. Булар тақсимлаш ва назорат қилиш функцияларидир.

Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг тақсимлаш функцияси янги яратилган қийматни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш орқали давлат бюджети ва маҳаллий бюджетнинг мувозийлигини таъминлашдан иборат.

Давлат молияси ва маҳаллий молия молия ресурсларини марказлаштирилган манбалар орқали қайта тақсимлаш асосида фаолият кўрсатади. Тақсимлаш функциясининг моҳияти корхоналарнинг бюджет, банклар, контрагентлар олдидағи мажбуриятларини бажариш орқали янги яратилган қийматни қайта тақсимлашдан иборат. Тақсимлаш функцияси бюджетга ва бюджетдан ташқари фонdlарга мажбурий тұловтарни амалга ошириш, шунингдек бюджет тақчилигини молиялаш манбаларини аниқлаш орқали амалга оширилади. Тақсимлаш функциясига түрли миқёслаги бюджетлар ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш жараёни ҳам киради.

Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг назорат функцияси давлат иштирок этадиган пул айланишини, пул маблағларининг марказлаштирилган ресурслари шакллантирилишини назорат қилишни ўз ичига олади.

Пул айланишини назорат қилиш икки шаклда амалга оширилади:

1. Молиявий кўрсаткичларнинг ўзгаришини, тұловлар ва ҳисобкитобларнинг ҳолатини назорат қилиш.

2. Молиялаштириш стратегиясининг амалга оширилишини назорат қилиш.

Биринчи шаклда санкциялар ва рабботлантиришлар тизими кўлланилади, иккинчи шаклда эса молиявий сиёсатдаги ўзгаришларни олдиндан кўра билиш ҳамда молиялаш гартиби ва шартларини уларга мослаштириш вазифаси қўйилади.

Молиянинг назорат функцияси ҳамиша муайян объектга эта, у ё бюджетга, ё бюджетдан ташқари фондга, ё муайян корхонага йўналтирилган бўлади.

Молиянинг назорат функцияси қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

А) бюджетлар ва фонdlарга маблағларнинг ўз вақтида ва тўғри ўтказилиши устидан назорат;

Б) бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlар белгилаган параметрлар доирасидан четта чиқилмаслиги устидан назорат;

В) бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlарнинг белгилаган харажатлари параметрлари доирасидан четта чиқилмаслиги устидан назорат.

Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг асосий принциплари:

- қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар негизининг ягоналиги;

- очиқлик ва ошкоралик (транспарентлик);

- ваколатлар ва юритиш предметларининг чегараланганлиги;

- мақсадга йўналтирилганлик;

- мақсадларни амалга оширишга нисбатан илмий ёндашиш;

- тежамлилик ва оқилоналик;

- молия оқимларини марказлаштирилган асосда бошқариш.

### **1.3. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг тузилмаси**

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими:

1. давлат бюджетини ва давлатнинг бюджетдан ташқари фонdlарини;

2. Ўзбекистон Республикаси субъектларининг бюджетларини ва ҳудудий бюджетдан ташқари фонdlарни;

3. маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади.

Биринчи поғона бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиясида Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўринишида тасдиқланади. Иккинчи поғона бюджети Ўзбекистон Республикаси субъектларининг қонуни кўринишида тасдиқланади.

Маҳаллий бюджетлар маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органдарининг ҳуқуқий ҳужжатлари билан таслиқланади.

Давлат бюджетдан ташқари фонdlари – бу Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан ва республика субъектларининг бюджетларидан ташқарила таркиб топтириладиган, пенсиялар, ёрдам пуллари ва бошқа ижтимоий-суғурта тўловларини амалга оширишга мўлжалланган марказлаштирилган пул маблаглари фонdlари (Пенсия фондиди, Бандликка кўмаклашиш фондиди)дир.

Мақсадли бюджет фонди – бу мақсалти йўналишда ва алоҳида смета бўйича сарфланадиган даромадлар ҳисобига таркиб топтириладиган марказлаштирилган пул фондиди (давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар фондиди)дир.

#### **1.4. Бюджет таснифи ва бюджет тизимининг иш принциплари**

Бюджет таснифи бюджет тузилмасига кирувчи бюджет даромадлари ва харажатларини, шунингдек унинг тақчилликни молиялаштириш манбаларини турухлашдан иборатдир. Ундан бюджетларни тузиш ва ижро этиш, барча поғона бюджет тизими кўрсаткичларининг қиёсийлигини таъминлаш учун фойдаланилади. Бюджет таснифи 2-расмда келтирилган.

Бюджет таснифи	
Бюджет даромадлари таснифи	Молиялаштириш манбалари таснифи Бюджет тақчилликларини молиялаштиришнинг ички манбалари Бюджет тақчилликларини молиялаштиришнинг ташки манбалари
Бюджет харажатлари таснифи	Бюджет харажатларининг функцонал таснифи Бюджет харажатларининг иктисадий таснифи Бюджет харажатларининг ташкилий таснифи
Давлат қаралари турларининг таснифи	Давлат ички қарзи турларининг таснифи Давлат ташки қарзи турларининг таснифи

2-расм. Бюджет таснифи

Бюджет тизимининг иш принциплари куйидагилардир:

- бюджет тизимининг ягоналиги;
- бюджет тизимининг поғоналари ўртасида даромадлар ва харажатларнинг тақсимланганлиги;
- бюджетларнинг мустақиллиги;
- бюджетлар ва давлат бюджетдан ташқари фонdlари даромадлари ва харажатларини тўлиқ акс эттириш;
- бюджетларнинг мутаносиблиги;
- бюджет маблағарининг самарадорлиги ва уларнинг тежамли сарфланиши;
- ошкоралик;
- бюджет маблағаридан фойдаланишнинг адреслиги ва мақсадли хусусиятга эгалиги.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиясида гасдиқланган 2000 йил учун республика давлат бюджетининг асосий кўрсаткичлари I-жадвалда келтирилган.

#### I-жадвал

### Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилги давлат бюджетининг асосий курсаткичлари

Кўрсаткичлар	Млрд.сўм
1. Мақсадли фонdlариз даромадлар – жами	650,05
<i>1. Бевосита соликлар</i>	202,24
1.1. Юридиқ шахсларнинг даромадидан олинадиган солик	87,62
1.2. Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солик	98,75
1.3. Тадбиркорлик фаoliyati билан шуғулланадиган жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солик	15,88
<i>2. Билвосита соликлар</i>	326,15
2.1. Қўшилған қўйимат солиғи	193,11
2.2. Акциз солиги	121,34
2.3. Бож йиғимлари	8,2
2.4. Товар олиб кирган жисмоний шахслардан олинадиган йиғимлар	3,5
<i>3. Ресурс тўловлари ва мулк солиги</i>	83,40
3.1. Мол-мулқдан олинадиган солик	18,46
3.2. Ер солиги	33,07
3.3. Ер остидан фойдаланганилик солиги	8,1
3.4. Сув ресурсларидан фойдаланганилик солиги	4,96
3.5. Экология солиги	18,8
<i>4. Ижтимоий инфраструктуриши солиги</i>	8,27

**I-жадвалинг давоми**

Кўрсаткичлар	Мард.еъм
<b>5. Ботқа даромадлар</b>	<b>30,0</b>
II. Мақсадли фонdlар (Пенсия фонди, Бандликка кўмаклашиб фонди, Давлат мулк кўмитасининг маҳсус ҳисоб вараги)нинг даромадлари	277,0
<b>Жами даромадлар</b>	<b>927,05</b>
1. Мақсадли фонdlарсиз ҳаражатлар — жами	712,46
1. Ижтимоий-маданий тадбирлар ҳаражатлари — жами	288,1
1.1. Маориф	186,0
1.2. Соғлиқни сақлаш ва спорт	76,2
1.3. Фан, маданият, оммавий ахборот воситалари	20,6
1.4. Ижтимоий таъминот	5,3
2. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қўлиш ҳаражатлари	74,07
2.1. Болали ва кам таъминлашган оиласаларга ёрдам цууллари	56,4
2.2. Аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий аҳамиятга эга хизматларнинг нархларидағи тафсувтии бюджетдан коплаш	17,67
<b>3. Иқтиносидёт ҳаражатлари</b>	<b>69,22</b>
<b>4. Марказлантирилган инвестицияларни молиялаштириши ҳаражатлари</b>	<b>152,0</b>
2000 йил инвестиция дастури ҳисобидан ички резервларни сафарбар этиш ва аванс тўловлари	-27,5
5. Давлат ҳокимияти, бошқаруви органлари ва суд органларини таъминлаш	16,4
6. Вазирлар Махкамасининг Резерв фонди	5,5
<b>7. Бошқа ҳаражатлар</b>	<b>134,66</b>
<b>II. Мақсадли фонdlарнинг ҳаражатлари</b>	<b>277,0</b>
<b>Жами ҳаражатлар</b>	<b>989,46</b>
<b>Давлат бюджети тақчилиги</b>	<b>62,49</b>

Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 декабрдаги 554-сон Қарорига 2-илова.

## 1.5. Маҳаллий молия

**Маҳаллий молия** – бу маҳаллий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал қилиш учун ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш юзасидан вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуидир.

**Маҳаллий бюджет** – давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир

қисми бўлиб, унда даромадлар, манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари жумласига маҳаллий солиқлар, йигимлар ва жарималар, республика қонун хужжатларида белгиланган меъёрларга мувофиқ умумреспублика солиқларидан ажратмалар, давлат ҳокимияти органлари мақсадли дастурларни амалга ошириш учун маҳаллий органларга тақдим эттан молиявий маблағлар, давлат мулкни хусусийлаштириш, маҳаллий мулкни ижарага бериш, маҳаллий заём ва лотереялардан келган тушум, маҳаллий бошқарув органлари корхоналари ва ташкилотлари даромадининг бир қисми, лотациялар, трансферт туловлари ва бошқа тупумлар киритилади.

Маҳаллий миёсда бюджетлар ўртасидаги муносабатлар қўйидаги принциплар асосига қурилади:

- ўзаро жавобгарлик;
- маҳаллий тузилмаларнинг ўзига хосликлари эътиборга олинган, барча маҳаллий гузилмалар учун ягона усулологиянинг қўлланиниши;
- маҳаллий тузилмаларнинг даромадларини тенглаштириш;
- қарши молия оқимларини имкон қадар камайтириш;
- маҳаллий бюджетларнинг даромадларини оширишдан маҳаллий органларнинг манфаатдорлигини ошириш;
- республика миёсида қабул қилинадиган қарорлар оқибатида даромадлар камайган ёки харажатлар кўпайган тақдирда, маҳаллий бюджетларга юзага келган фарқни тўлаш;
- оинкоралик.

## 1.6. Бюджет жараёнини ташкил этиш

Бюджетларни, айниқса, маҳаллий бюджетларни ўз вақтида ва тўлиқ таркиб топтиришда бюджет жараёнини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятта эга. Бюджет жараёни деганда бюджетни тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш изчил босқичларининг мажмуи тушунилади. Бюджет жараёни бюджет календарини тузишдан бошланади. Бу календарда бюджет жараёнининг алоҳида босқичларини ижро этиш муддатлари ва бунинг учун масъул ижрочилар (масалан, туман молия бўлимларининг бўлинмалари) белгиланади.

Иккинчи босқичда бюджетнинг концептуал асослари ва бюджет сиёсатининг устуворликлари ишлаб чиқилади, бюджет сўровлари ва даромадларнинг прогнозлари тузилади.

Кейинги босқичда бюджет даромадлари алоҳида моддалар кесимида прогноз қилинади ва бюджетдан молиялаштириш йўналишлари бўйича харажатларнинг сметалари тузилади.

Шундан сўнг алоҳида бюджет ташкилотлари, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган бюджет сўровлар кўриб чиқилади, зарур ҳолда даромадлар ҳажмита белгиланган чекловлардан келиб чиқиб мазкур сўровларга тузатишлар киритилади.

Сўровларни кўриб чиқиш натижалари бўйича бюджетнинг дастлабки варианти тузилади ҳамда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг муҳокамасига кўйилади.

Муҳокама натижалари бўйича бюджетта ўзгартиришлар киритиш ҳақида қарорлар қабул қилинали ва бюджетнинг узил-кесил варианти ишлаб чиқилади.

Кейинги босқичда бюджет маҳаллий ҳокимият органлари кенгашларининг сессияларида муҳокама қилинади ва тасдиқланади.

1. Бюджет календарини ишлаб чиқиш	2. Бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш, методик кўреатмалар ва шаксларни ишлаб чиқиш	3. Даромадларни прогноз қилиш ва харажатлар сметаларини тузиш
4. Бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиш	5. Бюджетнинг биринчи вариантини муҳокама қилиши ва унга тузатиш киритиш	6. Бюджет сўровларини тузиш
7. Лойиҳани ҳокимиятда муҳокама қилиши	8. Бюджетни тасдиқлантиш	9. Ижро этиши ва назорат қилиши

3-расм. Бюджет жараёни


Бюджет жараёнининг сўнгти босқичида бюджет ижро этилади ва бюджетнинг ижро этилиши назорат қилинади.

Бюджет каленларида белгиланган муддатларга қатъий риоя қилиш зарур.

Даромадларни прогноз қилиш жараёнида уларниң манбалари, турлари ва хиллари (солиқ ва носолиқ даромадлари, давлат трансферлари, давлат мулки ва маҳаллий бошқарув органлари мулкидан олинган даромадлар, маҳаллий бошқарув органларининг бошқа активлари) аниқланади. Даромадларни шакллантириш жараёнига тури омилларниң таъсирига баҳо берилади.

Бюджет харажатларини аниқлашда улар жорий харажатлар (бюджет ташкilotлари хизматчиларининг иш ҳақи, жорий трансферлар, товар ва хизматлар ҳарид қилиш)га ва капитал харажатлар (инвестициялар, капитал таъмирлаш)га ажратилади.

Функционал белгисига қараб соглиқни сақлаш, маориф, уйжой-коммунал хўжалиги, транспорт, алоқа харажатлари ва бошқа шунга ўхшашиб харажатлар ажратилади.



## **Қисқача хуносалар**

1. Давлат молияси ва маҳаллий молия иқтисоднинг давлат ва маҳаллий секторлари, ишлаб чиқариш ва жамоат секторини, бюджет ташкилотлари ва муассасаларини ривожлантиришнинг энг муҳим дастурларини молиялашнинг марказлаштирилган манбаларини таъминлаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни ифода этади. Уларнинг фаолияти ижтимоий йўналтирилган иқтисодни ривожлантиришнинг умумий мақсадларига эришишга қаратилинан.

2. Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг асосий функциялари умуман молия тизимининг асосий функцияларидан келиб чиқади. Булар – режалаштириш, ташкил этиш, рағбатлантириш ва назорат.

Давлат молияси ва маҳаллий молия пул айланиши билан боғлиқ. Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг пул айланиши билан боғлиқ функциялари мана шу муносабатлардан келиб чиқади. Булар тақсимлаш ва назоат қилиш функцияларидир. Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг тақсимлаш функцияси янги яратилган қийматни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш орқали давлат бюджети ва маҳаллий бюджетнинг мувозийлигини таъминлашдан иборат. Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг назорат функцияси давлат иштирок этадиган пул айланишини, пул маблағларининг марказлаштирилган ресурслари шакллантирилишини назорат қилишни ўз ичига олади.

3. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими давлат бюджетини ва давлатнинг бюджетдан ташқари фонdlарини; Ўзбекистон Республикаси субъектларининг бюджетларини ва ҳудудий бюджетдан ташқари фонdlарни; маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади.

Биринчи погона бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиясида Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўринишида тасдиқланади. Иккинчи погона бюджети Ўзбекистон Республикаси субъектларининг қонуни кўринишшида тасдиқланади. Маҳаллий бюджетлар маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳукуқий ҳужжатлари билан тасдиқланади.

4. Маҳаллий молия – бу маҳаллий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал қилиш учун ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш юзасидан вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуудир. Маҳаллий бюджет – давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар, манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили молия

байнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йұналишлари ва миқдори назарда тутилади.

5. Маҳаллий миқёсда бюджетлар ўртасидаги муносабатлар қуидаги принциплар асосиға қурилалы: ўзаро жаңобарлық; маҳаллий тузилмаларнинг ўзига хосликлари эътиборга олинган, барча маҳаллий тузилмалар учун ягона усулогиянинг құлланиши; маҳаллий тузилмаларнинг даромадларини тенглаштириш; қарши молия оқимларини имкон қадар камайтириш; маҳаллий бюджетларнинг даромадларини оширишдан маҳаллий органларнинг манбаатдорлыгини ошириш.

6. Бюджетларни, айниқса, маҳаллий бюджетларни ўз вақтида ва түлиқ таркиб топтиришда бюджет жараёнини тұғри ташкил этиш мүхим аҳамияттаға зәға. Бюджет жараённи деганда бюджетни тузиш, күриб чиқыш, қабул қилиш ва ижро этиш изчил босқичларининг мажмуди тушунилади.

## **Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар**

1. Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг моҳияти нимада? Уларнинг таркибига нималар киради?
2. Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг асосий функцияларини санаб беринг ва тавсифланг.
3. Давлат молияси ва маҳаллий молия қайси принципларга асосан тузилади?
4. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг тузилмаси қандай?
5. Бюджет таснифи нима?
6. Бюджет тизими қайси принципларга асосан фаолият кўрсатади?
7. Маҳаллий молия таркибига нималар киради?
8. Бюджет жараённинг ташкил этилишини тавсифлаб беринг.

### **Асосий адабиётлар:**

1. «Государственные и муниципальные финансы». М., «Финансы». 1999.
2. Грачева Е.Ю., Соколова Э.Д. «Финансовое право». М., «Новый юрист». 1998.
3. Грачева Е.Ю., Соколова Э.Д. «Налоговое право». М., «Новый юрист». 1998.
4. «Финансовый менеджмент». Под ред. Поляк. М., «Финансы». 1997.
5. «Экономика общественного сектора — основы теории государственных финансов». Под ред. Якобсона. М., «Аспект-Пресс». 1996.

## **II боб**

### **Молия менежментининг асосий тунунчалари**

#### **2.1. Молия менежментининг моҳияти, турлари, босқичлари**

Молия менежменти – бу пул айланишини, молия ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланишини бошқариш жараёни, пул айланишини ва молия ресурсларини бошқариш шакллари, усуллари ва усуллари тизимиdir.

Молия менежменти барча погона бюджетларини, шунингдек тармоқ молияси, сугурта ва қимматли қоғозлар бозорини қамраб олади.


Молия менежментига турли кўринишларга эга бўлган интеграл ҳодиса деб қараш лозим. Функционал нуқтаи назардан олиб қараганда, молия менежменти иқтисодий бошқариш тизими ва молия механизмининг бир қисмидир. Институционал нуқтаи назардан молия менежменти бошқариш органидир. Ташкилий ва хукуқий нуқтаи назардан эса молия менежменти – бу тадбиркорлик фаолияти туридир.

Молия менежменти бошқариш тизими сифатида молия ресурсларининг ҳаракатини ва мазкур ҳаракат жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида юзага келадиган молиявий муносабатларни бошқаришни назарда тутади. Бу ҳаракат ва муносабатларни қандай қилиб самарали бошқариш мумкин, деган саволга жавоб молия менежментининг мазмунини ташкил этади. Молия менежменти - бу молияни бошқариш мақсадларини ишлаб чиқиш ҳамда молия механизмининг усуллари ва воситалари ёрдамида уларга таъсир кўрсатиш жараёнидир.

Молия менежменти бошқарув стратегияси ва тактикасини ўз ичига олади. Стратегия – бу қўйилган мақсаднинг умумий йўналиши ва мазкур мақсадга эришиш воситаларидан фойдаланиш усулидир. Мазкур усул қарорлар қабул қилишнинг маълум қоидалари ва чеклашлари тўпламига эга. Стратегия қарорнинг қабул қилинган стратегияга зид бўлмаган вариантига эътиборни қаратиш имконини беради. Қўйилган мақсадга эришилганидан кейин стратегия мазкур мақсадга эришиш йўналиши ва воситаси сифатида ўз аҳамиятини йўқотади. Янги мақсадлар янги стратегияни ишлаб чиқишни талаб этади. Тактика - бу муайян шароитларда қўйилган мақсадга

Эришишнинг муайян усуллари ва усулларидир. Бошқариш тактика-сининг вазифаси хўжаликни юритишнинг айни вазиятида энг мақбул қарорни ҳамда бошқариш усуллари ва усулларининг энг мақбулларини танлашдан иборатdir.

Молия менежменти бошқариш тизими сифатида икки кичик тизимдан: бошқариладиган кичик тизим ёки бошқариш обьектидан ва бошқарувчи кичик тизим ёки бошқариш субъектидан ташкил топали (4-расм).



4-расм. Молия менежменти бошқариш тизими сифатида

Хўжалик жараёнида пул оқими, қиймат айланиши, молия ресурсларининг ҳаракати, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бўлимлари ўртасидаги муносабатларнинг амалга ошиши шартларининг мажмуи молия менежментида бошқариш обьекти ҳисобланади. Ҳар хил бошқарув таъсири кўрсатиш шакллари ёрдамида обьектнинг изчил фаолият кўрсатишни таъминлайдиган маҳсус одамлар гуруҳи бошқарув субъектларидир.

Ҳар қандай бошқарув обьекти бу яхлит тузилма ҳосил қила-диган ўзаро таъсирга киришувчи элементлар мажмуидан ташкил

топган тизимдир. Молия тизими кирадиган ижтимоий-иктисодий тизимнинг асосий хоссаси шундаки, унинг негизида одамларнинг манфаатлари ётади.

Ҳар қандай тизим элементлардан ёки айни тадқиқот шартла-рида тизимдан ажратиб бўлмайдиган кичик тизимлардан таркиб топади. Бинобарин, элемент ҳамиша тизимнинг таркибий қисми ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиясида мазкур субъект таркибий бўлимининг молиясига тизимнинг ажралмас элементи деб қаралади.

Ҳар бир элементга ҳар хил хоссалар хос. Тизим элементининг асосий хоссалари қўйидагилардир:

1. Тизим элементи фақат унинг ўзига хос бўлган, мазкур тизимнинг бошқа элементлари такрорламайдиган функцияни бажаради;

2. Элемент бошқа элементлар билан ўзаро таъсирга киришиш ва улар билан бирикиш қобилиятига эгаки, бу тизимнинг яхлитлиги белгисидир;

3. Элемент ўз тизимининг бошқа элементлари билан узвий боғлиқ.

Молия тизими элементларининг хоссалари молия менежментининг умумий қоидасини таърифлаш имконини беради: **тизимнинг алоҳида элементларининг эмас**, бутун тизимнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга ҳаракат қилиш керак.

Бошқариш жараёни бошқарувчи ва бошқарилувчи кичик тизимлар бир-бири билан маълум ахборот алмашган тақдирдагина амалга ошиши мумкин. Бошқариш жараёни ахборот олиш, узатиш, уни қайта ишлаш ва ундан фойдаланишни назарда тутади.

Молия тизими мураккаб, жўшқин ва очиқ тизим. Молия тизимининг мураккаблиги унинг таркибий элементларининг хилмакиллиги, улар ўртасидаги алоқалар хусусиятининг ҳар хиллиги билан белгиланади.

Молия тизимининг жўшқинлиги шу билан изоҳланадики, унда молия ресурслари, харажатлар, даромадлар, капиталга бўлган талаб ва таклиф миқдорлари ҳамиша ўзгариб туради. Молия тизими – бу очиқ тизим, чунки у ташқи мухит билан ахборот алмашади.

## 2.2. Молия менежментининг функциялари

Молия менежментининг функциялари бошқарувчи тизимнинг шаклланишини белгилайди. Бошқариш объективининг функциялари

ва бошқарыш субъектининг функциялари тафонут этилади. Бошқарыш обьектининг функциялари жумласига қўйидагилар киради:

- пул айланишини ташкил этиш;
- молиявий маблағлар ва инвестиция воситалари билан таъминлаш;

- молия ишнини ташкил этиши ва ҳ.к.

Бошқарим субъектининг функциялари, яъни бошқарув фаолиятининг муайян тури қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ахборот йигиш, уни тартибга солиш, узатиш ва сақлаш;
- Қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- Қарорни командага айлантириш;
- режалантириш, прогноз ва башорат қилиш;
- ташкил этиш, тартибга солиш, мувофиқлаштириш;
- рафбатлантириш;
- назорат қилиш.

Бошқарим функцияси – молиявий режалаштириш – режа топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича барча чора-тадбирлар мажмунини қамраб олади. Молиявий режалаштириш - бу одамлар томонидан муайян молиявий тадбирларни ишлаб чиқиш жараёнидир. Мазкур фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун молиявий режаларни ишлаб чиқиш усулогологияси ва усуликаси ишлаб чиқилади.

Молия менежментида прогноз қилиш деганда объектнинг молиявий ҳолатидаги ўзгаришларни узоқ истиқболга ишлаб чиқиш тушунилади. Бошқарув обьектининг молиявий ҳолатини ривожлантиришнинг муқобил варианzlарини ишлаб чиқиш прогноз қилишнинг ўзига хос хусусиятидир.

Молия менежментида ташкил этиш функцияси молиявий дастурни биргаликда амалга ошираётган одамларни бирон-бир қоидалар ва процедуralар негизида бирлаштиришни назарда тутади. Бошқарув аппаратини ташкил этиш, нормалар, меъёрлар, усуликалар ва ҳоказоларни ишлаб чиқиш, бошқарув бўлимлари ўргасида алоқалар ўрнатиш шулар жумласидандир.

Молия менежментида тартибга солиш деганда молия тизимининг барқарорлигини таъминлашга ёрдам берадиган бошқариш обьектига таъсир кўрсатиш тушунилади. Тартибга солиш асосан графиклар, нормалар, меъёрлар, қонунлар, режа топшириқларидан четлашишни бошқариш бўйича жорий чора-тадбирларни қамраб олади.

**Молия менежментида мувофиқлаштириш бошқарув тизими-нинг барча бўғинлари, бошқарув аппарати ва мутахассисларнинг ишини мувофиқлаштиришни назарда тутади. Мувофиқлаштириш бошқарув обьекти, субъекти, бошқарув аппарати ва алоҳида ходим ўртасидаги муносабатларнинг бирлигини таъминлайди.**

**Молия менежментида рағбатлантириш молия хизмати ходимларини ўз меҳнатининг натижаларидан манфаатдорликка даъват этишда ўз ифодасини топади. Рағбатлантириш ёрдамида сарфланган меҳнатнинг сони ва сифатига қараб моддий бойликларнинг тақсимланиши бошқарилади.**

**Молия менежментида назорат қилиш молия ишининг ташкил этилишини, молиявий режаларнинг бажарилишини ва бошқа шунга ўхшаш ишларни текширишни ўз ичига олади. Назорат қилиш орқали молиявий маблағларнинг сарфланиши ва обьектининг молиявий ҳолати ҳақида ахборот тўпланди, қўшимча имкониятлар ва захиралар аниқланади, молиявий дастурларга, молия менежменти ташкилотига тузатишлар киритилади. Назорат молиявий натижаларни таҳдилдан ўтказишни назарда тутади. Таҳдил – молияни режалаштиришнинг таркибий қисми. Бинобарин, молиявий назорат молияни режалаштиришнинг акс томони ва унга молияни ресжалаштиришнинг таркибий қисми леб қарааш керак.**

**Бошқарув вазифаларини ҳал қилишга нисбатан ёндашувлар ҳар хил бўлиши мумкин, шунинг учун ҳам молия менежменти кўп вариантилдири.**

**Молия менежментида энг муҳими – бошқарув обьектининг молиявий манфаатларига жавоб берадиган мақсадни тўғри қўйишдир. Молия менежменти жуда жўшқин жараён. Унинг иш самарадорлиги молия бозори, молиявий вазият ва бошқарув обьектининг молиявий ҳолатидаги ўзгаришларга тез мослаша билишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун ҳам молия менежменти бошқарувнинг стандарт усусларини билишга, муайян молиявий вазиятга тез ва тўғри баҳо бера олишга, вазиятдан чиқишининг мақбул йўлини тез топиш қобилиятига асосланиши лозим.**

### **2.3. Молия менежменти бошқарув комплекси сифатида**

**Молия менежменти турли молиявий активларни бошқариш билан боғлиқ. Бундай активларнинг ҳар бири тегишли бошқариш усусларини кўллашни ва молия бозорининг тегишли бўғини хусу-**

сиятини эътиборга олишни талаб этади. Шунинг учун ҳам молия менежментига қўйидагиларни ўз ичига олувчи мураккаб бошқарув комплекси деб қараш мумкин:

1. таваккалчилик менежменти;
2. кредит операциялари менежменти;
3. қимматли қофозлар менежменти;
4. валюта операциялари менежменти;
5. кўчмас мулк билан амалга ошириладиган операциялар менежменти.

Молияни бошқариш вақтда амалга оширилади. Вақт белгиси бошқарувнинг мақсадлари ва йўналишларига таъсир кўрсатади. Мазкур белгига қараб молия менежментининг қўйилаги турлари тафовут этилади:

- стратегик менежмент;
- тезкор-тактик менежмент.

Стратегик молия менежменти инвестицияларни бошқариши назарда тутади. У таъланган стратегик мақсадни амалга ошириш билан боғлиқ. Стратегик молия менежменти авваламбор қўйидагиларни ўз ичига олади:

- капитални жойлаштириш лойиҳаларига молиявий баҳо бериш;
- инвестиция қарорлари қабул қилиш мезонларини таъланаш;
- капитални жойлаштиришнинг энг мақбул вариантини таъланаш;
- молиялаштириш манбаларини аниқлаш.

Инвестицияларга баҳо бериш хилма-хил мезонлар ёрдамида амалга оширилади. Капитални жойлаштиришдан наф кўриш мумкин, башарти:

- капитални жойлаштиришдан олинган фойда депозитдан олинган фойдадан катта бўлса;
- инвестицияларнинг рентабеллиги инфляция даражасидан юқори бўлса;
- вақт омилини эътиборга олганда ушбу лойиҳанинг рентабеллиги бошқа лойиҳаларнинг рентабеллигидан юқори бўлса.

Барча инвестициялар вақтда амал қиласди, шунинг учун ҳам стратегик менежментда вақт омилининг таъсирини эътиборга олиш мухимдир, зотан, у қўйилагиларни кўрсатади:

- 1) пулнинг қиммати вақт ўтиши билан камаяди;
- 2) инвестиция даври қанча узоқ бўлса, молиявий хавф-хатар даражаси шунча катта бўлади.

Шүнинг учун ҳам стратегик менежментда даромадни капитализацириш, капитални дисконтлаш, компаудинг, молиявий хавфхатарни камайтириш усууллари кенг құлланади.

Тезкор-техник молия менежменти деганда нақд пулларни тезкор бошқариш тушунилали. У қуйилагиларни назарда тутади:

1) молиявий мажбурияттарни бажариш учун етарли нақд пуллар билан таъминлаш;

2) вақтгина бүш пуллардан капитал сифатида фойдаланишнинг даромадлилігини ошириш.

Нақд пулларни бошқариш мақсадлари:

1) нақд пул тушумининг тезлігінің ошириш;

2) пул тұловлары тезлігінің камайтириш;

3) нақд пулларни жойлаштиришдан имкон қадар катта наф күрилишини таъминлаш.

Хар бир мақсаднинг ўз бошқариш усууллари мавжуд.

Товарлар (хизматлар) учун ҳисоб-китоб қилиш шартлари ва шаклларини (масалан, аванс олиш, олдиндан пул тұлаш, аккредитивнинг самаралы турлари ва бошқалар) тәнлаш бошқариш жараёнида мұхим ажамияттағы эга. Таъминотчилар қуйидаги мезонларға асосан тәнланади:

- ўтмишда тұлов интизомига риоя қилишиға қараб;
- молиявий барқарорлығы даражасыға қараб;
- тұлов лаёқати даражасы ва динамикасыға қараб.

Дебитор қарзларини бошқариш унинг давомийлігіні назорат қилишни ўз ичига олади. Бунинг учун дебитор қарзлари юзага келиш мұддатларига (1 ой, 3 ой, 6 ой, 12 ой) қараб гурухданса, мақсадға мувофиқ бўлади.

Иккинчи мақсадни амалга оширишда пул маблағлари имкон қадар кўп айланишини таъминлаш учун тұловларни кечгә суриш имконини берадиган усууллар зарур.

Учинчи мақсадни амалга оширишда касса нақдинасини бошқариш усуудан фойдаланиш лозим, зотан, бу усул уни мумкин қадар камайтириш ва даромад келтирадиган активларға жойлаштириш учун пул маблағлари ҳажмини ошириш имконини беради.

Молия менежменти бошқариш органды сифатида бошқарув аппарати, яъни хўжалик юритувчи субъектни, маъмурий минтақаны бошқарышнинг бир қисми (маҳаллий бошқарув) кўринишіда бўлади. Йирик обьектларда бундай бошқарув аппарати вазифасини молиявий директор ёки бош молия менежери раҳбарлителдиги молиявий дирекция (бошқарма) бажариши мумкин.


Молиявий дирекция (бошқарма) турли бўлимлардан ташкил топади. Бўлимлар таркибини хўжалик юритувчи субъектнинг олий бошқарув органи ёки давлат минтақавий тузилмасининг оли ижро этувчи органи белгилайди. Молия бўлими, бухгалтерия, таҳтил сектори (бюроси) ва ҳоказолар шулар жумласидан. Бунда Молиявий дирекция (бошқарма) тўғрисида низом бўлиши шарт. Низомда дирекцияни ташкил этишнинг умумий қоидалари, унинг вазифалари, тузилиши, функциялари, хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа бўлимлари ва хизматлари билан ўзаро муносабатлари, дирекция (бошқарма)нинг хукуқ ва мажбуриятлари акс эттирилади.

Молиявий дирекция (бошқарма)нинг асосий функциялари:

- хўжалик юритувчи субъектни молиявий ривожлантириш мақсадини белгилаш;
- хўжалик юритувчи субъектни ва унинг бўлимларини ривожлантиришининг молиявий стратегияси ва молиявий дастурини ишлаб чиқиш;
- инвестиция сиёсатини белгилаш;
- кредит сиёсатини ишлаб чиқиш;
- хўжалик юритувчи субъектнинг барча бўлимлари учун молия ресурслари харажатлари сметасини белгилаш;
- хўжалик юритувчи субъект ва унинг бўлимларининг пул оқимлари режаси (расмси)ни, молиявий режаларини ишлаб чиқиш;
- хўжалик юритувчи субъектнинг (маҳаллий бошқарув органининг) бизнес-режасини тузишда иштирок этиш;
- молиявий фаолиятни таъминлаш (пул маблағларидан фойдаланиш, даромад олиш, капитални тасарруф этиш);
- таъминотчилар, харидорлар ва ҳоказолар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- молиявий тижорат хавф-хатарлари, гаров, траст, лизинг ва бошқа молиявий операциялардан суғурта қилиш;
- хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ва статистика ҳисобини юритиш, унинг бухгалтерия балансини тузиш;
- хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолиятини таҳлилдан ўтказиш.

Молия менежменти тадбиркорлик фаолиятининг шакли сифатида молиявий фаолиятни соғ маъмурий, буйруқбозлик йўли билан бошқариб бўлмаслигини кўрсатади. Молия менежменти атроф муҳитдаги ўзгаришларга фаол эътибор берадиган ижодий фаолиятни назарда тутади.

Молия менежментни тадбиркорликнинг шакли сифатида мустақил фаолият турига ажратиш мумкин. Бу фаолиятни профессионал менежерлар ва профессионал институтлар (траст компаниялари, брокерлик идоралари ва ҳоказолар) амалга оширади. Молия менежментнинг тадбиркорлик шакли сифатидаги моҳияти қўйидағи айирбошлашда ўз ифодасини топади:



Молия менежменти молия бозорида фаолият кўрсатади. Молия бозорида молия (пул) ресурслари ва инвестиция бойликларининг ҳаридорлари ва сотувчилари, уларнинг қиймати ва истеъмол қиймати ўртасидаги иқтисодий муносабатлар намоён бўлади. Молия бозорининг фаолияти молия ресурсларнинг ҳаракатини ва молиявий муносабатларни бошқариш соҳасида тадбиркорлик учун асос яратади.

#### 2.4. Молия механизми тушунчаси

Молия – фақат иқтисодий категория эмас. Молия хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ва савдо жараёнига таъсир кўрсатиш воситаси ҳамдир. Бундай таъсир кўрсатиш **молия механизми** орқали амалга оширилади. Молия механизми деганда **молия ресурсларини ташкил этиш, режалаштириш ва улардан фойдаланишида ўз ифодасини тонувчи молиявий воситаларнинг таъсири тизими** тушунилади. Молия механизмининг тузилишига бешта ўзаро боғлиқ унсурлар: молиявий усуллар, молиявий воситалар, ҳуқуқий таъминот, меъёрий таъминот ва ахборот билан таъминлаш киради. Молиявий усулни хўжалик жараёнига молиявий муносабатларнинг таъсир кўрсатиши усули деб таърифлаш мумкин. Молиявий усуллар икки йўналишда таъсир кўрсатади:

- молия ресурсларининг ҳаракатини бошқариш йўналишида;
- ҳаражатлар ва натижаларни таққослаш, моддий рағбатлантириш ва пул фонdlаридан самарали фойдаланиш учун жавобгарлик билан боғлиқ бозор тижорат муносабатлари йўналишида.

Тижорат ҳисоб-китобларини қўллашлан ракобат куранни шароитларида минимал ҳаражат қилиб, мумкин қалар катта даромад ёки фойда олиши мақсади кўзланади. Мазкур мақсадни амалга ошириш тадбиркорлик фаолиятига жойлаштирилган (аванс қилингандан) капиталнинг миқдорини узбу фаолиятнинг молиявий натижаларига таққосланни талаф этади.

Капитални жойлаштиришнинг варианtlарини олдиндан қабул қилинган мезон (жойлаштирилган ҳар бир сўмга мумкин қалар катта

даромад, фойда олиш, мумкин қадар оз ҳаражатлар қилиш ва ҳ.к.)га асосан ҳисоблаш ва таққослаш зарур. Чет эл амалиётила жойлаштирилган капитал миқдорини хўжалик фаолиятининг натижаларига таққослаш “инпут-аутпут” (input-output) атамаси билан ифодаланади.

Молиявий усулларнинг таъсири пул фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланишда намоён бўлади.

Молия механизмининг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш қонун ҳужжатлари, қарорлар, бўйруқлар ва бошқарув органларининг бошқа ҳуқуқий ҳужжатларини ўз ичига олади. Йўриқномалар, меъёрлар, нормалар, тариф ставкалари, қабул қилинган технологиялар, тушунтиришлар, усуликалар ва ишлаб чиқаришнинг товар ва хизматларни реализация қилиш билан алоқасини акс эттирувчи бошқа ҳужжатлар молия механизми фаолиятининг меъёрий таъминотини ташкил этади.

Молия механизмининг фаолиятини ахборот билан таъминлаш ҳар хил иқтисодий, тижорат, технологик ва бопиқа ахборотларни ўз ичига олади. Молиявий ахборот жумласига қўйидагилар киради:

- ҳамкорлар, истеъмолчилар ва рақибларнинг молиявий барқарорлиги ва тўлашга лаёқати ҳақида маълумотлар;
- товар, фонд, валюта бозорларидаги нархлар, курслар, дивиденdlар ва фоизлар ҳақида маълумотлар;
- биржа ва биржадан ташқари бозорлардаги ҳолат ҳақида маълумотлар;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг молия ва тижорат фаолияти ҳақида маълумотлар;
- бошқа ҳар хил маълумотлар.

Кимки ахборотга эга бўлса, у молия бозорига ҳам эгалик қиласди. Ахборотнинг баззи бир турлари интеллектуал мулк бўлиши ва акциядорлик жамияти ёки ўртоқликнинг низом капиталига ҳисса тариқасида киритилиши мумкин.

Юқори малакали молия менежери ҳамиша ҳар қандай ахборотни, ҳатто энг салбий ахборотларни ҳам олишга, бундай ахборотнинг асосий жиҳатларидан фойдаланишга ҳаракат қиласди. Ахборот бўлакма-бўлак тўпланади ва биргаликда тўлақонли ахборот қимматига эга бўлади. Молия менежерининг ихтиёрида ишга доир ишончли ахборотнинг мавжудлиги молиявий қарорлар ва тижорат қарорларини тез қабул қилиш, бундай қарорларнинг тўғрилигига таъсир кўрсатиш имконини берадики, бу пировард натижада молиявий натижанинг яхшиланишита олиб боради.

## МОЛИЯ МЕХАНИЗМИ

Молиявий усуулар	Молиявий воситалар	Хукуқий таъминот	Норматив таъминот	Ахборот билан таъминлаш
-режалаштириш	-фойда	- қонуналар	- йўриқномалар	- ҳар хил ахборотлар
-прогноз қилиш	-даромад	Президент	- месъерлар	
-инвестициялаш	-амортизация	фармонлари	- нормалар	
-кредитлаш	-молиявий	- ҳукумат	-усулик	
-ўзини ўзи кредитлаш	санкциялар	қарорлари	курсатмалар	
-ўзини ўзи молиялаш	- ижара ҳақи	-буйруқчлар	ва бошқ.	
-солиқча тортиш	- дивиденделар	Вазирликлар,		
-ҳисоб-китоб тизими	- фоизлар	маҳ. бошқ.		
-мод.рағбатлантириш ва жавобгарлик	- дисконтлаш	органлари		
-суғурта	- мақсадли низом	катлари		
-гаров операциялари	фондлар			
-трансферт	- омонатлар			
-операциялари	- пай балаллари			
-траст операциялари	- инвестициялар (тўгри, вен-			
-ижара	чур, порт-			
-лизинг	фель)			
-факторинг	- ҳисоб-китоб			
-фонд тузиш	шикслари			
-муассислар. хўж.	- преференция			
субъектлари, дав.	кредитлари			
-бошқарувчи органлари	турлари			
билин ўзаро				
муносабатлар				

## 2.5. Молия ресурслари ва капитални бошқариш

Хўжалик юритувчи субъектнинг молия ресурслари –бу унинг ихтиёрида мавжуд пул маблағлариdir. Молия ресурслари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, ноишлаб чиқариш соҳаси объектларини сақлаш ва ривожлантиришга, истеъмол қилиш ва захираларни таркиб топтиришта йўналтирилади.

Ишлаб чиқариш-савдо жараёнини ривожлантиришга мўлжалланган молия ресурслари пул шаклидаги капитал кўринишида бўлади, яъни капитал – молия ресурсларининг бир қисмидир. Капитал деганда айлантирилаётган ва бунинг натижасида фойда келтираётган пуллар тушунилади. Пуллар тадбиркорлик соҳасига жойлаштириш, қарзга, ижарага бериш йўли билан айлантирилади. Капитал – бу даромад олишга мўлжалланган пуллардир.

Капиталнинг умумий формуласи (иқтисодий назария курсидан):

$D = T - D_1$  (Пул – Товар – Ўсган пул)

$(D_1 - D)$  – инвестор даромади

$(D_1 - T)$  – товарни сотишлидан келган тушум

$(D - T)$  – инвестор товарни сотиб олишга қилган харажатлар.

Жойлаштириш шаклига қараб тадбиркорлик капитали ва кредит капитали тафовут этилади.

Тадбиркорлик капитали – бу тўғри инвестициялар ва портфель инвестициялари йўли билан корхоналарга жойлаштирилган капиталdir. Капитални бундай жойлаштириш даромад олиш ва корхонани бошқариш ҳуқуқини кўлга киритини мақсадила амалга оширилади.

Асосий фонdlар (асосий капитал) – бу хўжалик жараёнинда кўп карра ишлатиладиган, шунга қарамай ўзининг моддий-табииy кўринишини ўзgartирмайдиган меҳнат воситаларидир. Асосий воситаларнинг ҳаёт цикли қўйидаги босқичлардан ташкил топади: келиб тушиб – ишлаб чиқариш жараёнинда иштирок этиш – корхона ичидаги ҳаракат қилиш – таъмирлаш – ижарага бериш – инвентаризация – ҳисобдан ўчириш.

Асосий фонdlарни такрор ишлаб чиқаришнинг хусусиятлари бир қатор ўзига хос белгилар билан аниқланади:

- асосий фонdlарнинг қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қийматига аста-секин кўчириш;

- истеъмол қиймати ва қийматнинг ҳаракати;

- фондлар қийматининг айланиши;
- қийматни тайёр маҳсулотда қисман такрор ишлаб чиқариш вауни пул шаклида жамғариш;
- асосий фондларни янада юқори истеъмол миқёсида моддий-табиий шаклда тиклаш.

Асосий фондларни харид қилишга мўлжалланган пул маблағлари асосий маблағлар деб (асосий капитал) деб аталади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг таркибида актив ва пассив қисмлар тафовут этилади. Актив асосий фондлар маҳсулотта бевосита таъсир кўрсатади, уни ишлаб чиқариш кўлами ва ходимлар меҳнатининг унумдорлиги даражасини белгилайди. Бундай фондлар жумласига авваламбор машиналар, асбоб-ускуналар киради. Асосий фондларнинг пассив қисми деганда меҳнат жараёни учун зарур шарт-шароит яратувчи фондлар: бинолар, қурилмалар, узатиш мосламалари ва шу кабилар тушунилади. Асосий фондларнинг актив ва пассивга бўлиниши маълум даражада шартли бўлиб, тармоқ бажарадиган функцияларнинг хусусиятига боғлиқ.

Номоддий активлар – бу саноат ва интеллектуал мулк объектлари ҳамда бошқа мулкий ҳуқуқларнинг қийматидир. Номоддий активлар жумласига ер майдонларидан, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари, “ноу-хау”, муаллифлик ҳуқуқлари, лицензиялар, ташкилий харажатлар, савдо белгилари, фирма баҳоси ва ҳоказолар киради.

Қўлланиш хусусиятига кўра номоддий активлар асосий маблағларга ўхшаб кетади. Улар узоқ муддат хизмат қиласди, даромад келтириди ва вақт ўтиши билан уларнинг катта қисми ўз қийматини йўқотади. Моддий тузилишга эга эмаслик, қийматини аниқлашнинг қийинлиги, қўллашдан олинган даромадни аниқлашда ноа ниқликтининг катталиги номоддий активларнинг ўзига хос хусусиятларидир.

Номоддий активларни баҳолаш улар низом капиталига киритилаёттанида томонларнинг ўзаро келишувига кўра, жаҳон бозори ёки ички бозор нархларига асосан амалга оширилади. Номоддий активлар қийматига харид нархи, сотиб олиш ва мазкур активларни тайёр ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар киритилади. Номоддий активларнинг қиймати эскиришни ҳисоблаш йўли билан таннархга киритилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолиятида активлар ва пассивлар тафовут этилади. Активлар – бу хўжалик юритувчи

субъектга тегишли мулкий ҳуқуқлар мажмуидир. Асосий маблағлар, номоддий активлар ва айланма маблағлар активлар жумласига киради. Хўжалик юритувчи субъектнинг пассивлари деганда унинг қарзлари ҳамда қарз олинган ва жалб қилинган маблағлардан иборат мажбуриятлари, шу жумладан кредитор қарзлари тушунилади. Дотациялар, субвенциялар, хусусий маблағлар ва бошқа манбалар пассивлар жумласига кирмайди. Субвенция – бу давлат маълум тадбирни молиялаштиришга бюджетдан ташқари фонdlардан берадиган нафақанинг бир кўриниши бўлиб, мақсадсиз сарфланган тақдирда қайтарилиши талаб этилади.

## 2.6. Даромад келтирувчи кўчмас мулкни баҳолаш

Маҳаллий бошқарув органининг молия менежери кўчмас мулкни баҳолаш усувларини яхши билиши лозим, чунки маҳаллий бошқарув органлари ўз ихтиёридаги кўчмас мулкни ижарага берishi, сотиши мумкин. Кўчмас мулкнинг қийматига турли омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллар муттасис ўзгариб туради, шунинг учун ҳам кўчмас мулкнинг баҳоси фақат маълум санагача амалда бўлади. Кўчмас мулкнинг бозор баҳосига бўлгуси иқтисодий шароитларнинг инъикоси деб қаралади.

Вақтга қараб кўчмас мулкни баҳолаш жорий, ретроспектив (ўтган замондаги) ва перспектив (истиқболли) бўлиши мумкин.

Кўчмас мулкнинг қийматини аниқлашнинг уч усули мавжуд:

1. харажатлар усули;
2. сотувларни таққослаш усули;
3. даромадни капиталлаштириш усули.

Баҳолашнинг кўпгина масалаларига учала усулни ҳам кўлласа бўлади, аммо муайян масалада уларнинг фақат биттаси муҳим бўлиши мумкин. Эски, баҳолаш қийин биноларни баҳолашда харажатлар усули қўлланади. Сотувларни таққослаш усулини кўчмас мулкнинг тор ихтисослашган турларига қўллаш мумкин эмас. Даромадларни капиталлаштириш усули мулқдор олган қарзларнинг қисмларини баҳолашда кам қўлланилади. Мазкур усул мулқдорлар инвесторнинг нархини пастга урадиган тижорат ёки саноат мулки бозорида самара бермайди. Юқорида зикр этилган усувларнинг мазмуни қўйидагича.

Харажатлар усули харидор мулк учун шунга ўхшаш ва шундай сифатли мулкни сотиб олиш харажатларидан ортиқ пул тўламайди, деган принципга асосланади. Шунинг учун ҳам ер майдони қийма-

тининг ва шунга ўхшаш объектнинг баҳолаш санасигача бўлган қийматининг суммаси бозор қийматига берилган баҳони ташкил этади. Бу ёндашув шунга асосланадики, бозор иштирокчилари қиймат ва харажатларни таққослайдилар. Мазкур усулда кўчмас мулкнинг қиймати ер майдонининг ҳисобланган қийматини шунга ўхшаш бинони қуришнинг жорий харажатларига қўшиш орқали одинади. Харажатлар усули янги биноларни ёки бозорда кам сотиладиган кўчмас мулк обьектларини баҳолашда айниқса фойдали.

Сотувларни таққослаш усули харидор худди шундай фойдали кўчмас мулк учун тўлайдиган нархни аниқлашни назарда тутади. Бозорда бундай кўчмас мулк бўлмаган тақдирда, сотувларни таққослаш усули қўлланмайди. Мазкур усул ёрдамида баҳоловчи баҳоланаётган обьектни худди шундай кўчмас мулк обьекти билан таққослаб, қийматнинг аксини ҳосил қиласди. Баҳоловчи қиёсий деб топган кўчмас мулкларнинг нархлари баҳоланаётган кўчмас мулк қийматининг акси тушиб кетиши мумкин бўлган чегарани акс этириши лозим.

Баҳоловчи қиёслашнинг турли унсурларини: молиялаштириш шартлари; жойлаштирилиши; сотиш шартлари; бозор шартлари; жисмоний тавсифи; иқтисодий тавсифи; фойдаланилиши; қийматнинг бекор бўлган компонентлари; ўзга шахсларга ўтказилган кўчмас мулкка эгалик ҳукуқлари; кўчмас мулкка мулкдорлик ҳукуқларини кўриб чиқиб, обьект билан қиёсланаётган сотувлар ўртасидаги мураккабликлар ёки тафовутларни аниқдайди.

Кўчмас мулк обьектининг баҳоси кўчмас мулкка нисбатан мулкдорлик ҳукуқининг сотилишидан кўриладиган наф билан аниқланади. Мулкнинг катта даромад келтирадиган турлари амалда бўлган ижара шартномалари билан бирга сотилиши мумкин. Қийматни аниқлашда бозор ижара ҳақи билан шартномада белгиланган ижара ҳақи ўртасидаги тафовутни ҳисобга олиш мулкдорлик ҳукуқига тузатиш киритиш деб аталади.

Битимни молиялаштиришнинг бозор шартлари ва нобозор шартлари тафовут этилади. Битим иштирокчиларининг ундан мумкин қадар катта наф кўришга интилиши натижасида шартномаларнинг ҳар хил варианatlари келиб чиқади:

1) битимнинг кредитор томонидан молиялаштирилиши, яъни харидор - қарздор кредит олиш учун талаб этувчи кредит фоизларини сотувчи тўлайди. Бундай ҳолларда сотув нархидан фоизлар суммаси чегириб қолинади;

2) битимнинг сотувчи томонидан молиялаштирилиши, яъни сотувчи харидорга ипотека кредити беради. Бундай шартларга тузатиш киритиш учун, башарти фоизлар даражаси бозордаги даражага тенг бўлса, ипотека кредитининг пул оқимларини дисконтлаш усулини кўллаш мумкин.

Сотиш шартларига тузатиш киритиш согувчи билан харидор ўртасида бозорга хос бўлмаган муносабатларни акс эттиради. Агар сотувчи мулкни зудлик билан сотиши лозим бўлса, мулк бозор нархидан паст нархда сотилиши мумкин. Бордию харидор мулкни зудлик билан сотиб олиши керак бўлса, мулк бозор нархидан баланд нархда сотилиши мумкин.

Бозордаги ҳолат – бу олди-сотди шартларининг вақтдаги ўзгаришидир. Бозордаги ҳолатта инфляция ва дефляция, талаб ва таклифнинг ўзгариши, солиқقا тортишдаги ўзгаришлар ва ҳоказолар таъсири кўрсатади. Тузатиш миқдори турли жойларда шунга ўхшаш обьектларнинг сотилишини таҳлилдан ўтказиш орқали аниқланади, бинобарин, у энг аввало мазкур обьектлар учун ернинг қийматидаги тафовутни акс эттиради.

Кўчмас мулк обьектининг жисмоний тавсифи унинг ўлчамлари, конструктив элементлари, материалларнинг сифати, эскириши, ташқи кўриниши, атроф муҳитнинг ҳолати ва бошқаларни ўз ичига олади. Жисмоний тавсифга тузатиш киритиш ҳар бир тафовутни муҳокама қилишни талаб этади.

Кўчмас мулк обьектининг иқтисодий тавсифи харажатлар, бошқарув сифати, ижара шартлари ва муддатлари, даромад ёки фойда миқдори ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Мазкур таққослаш фақат фойда келтирувчи кўчмас мулк обьектларига таалукли.

Баҳолаш обьекти сотилганидан кейин ундан фойдаланиш эҳтимолини аниқлашда маҳаллий минтақалаш нормаларидан келиб чиқилади. Агар кўчмас мулк обьектларидан бири сотилганидан кейин қайта ихтисослаштирилган бўлса, бу обьектларни таққослаш мумкин эмас.

Битимнинг бекор бўлган компонентлари деганда қийматнинг кўчмас мулк билан боғлиқ бўлмаган компонентлари тушунилади. Таққослашда қийматнинг бундай компонентлари кўчмас мулк обьектидан ажратилади.

Шундан сўнг таққослананаётган ҳар бир кўчмас мулкнинг сотиш баҳосига қиймат тузатишлари киритилади, шу жумладан кўчмас мулкнинг қисмлари кўриб чиқилади.

Даромадни капиталлаштириш – бу келажакда кутилаётган даромадларни бугунги кунда бираваракай олинадиган қийматга айлантириш, яъни даромадларни капиталга айлантириш тушунилади. Кутиш принципи даромадни капиталлаштириш усулининг асосий принципидир, яъни бозор қиймати келажакдакутилаётган даромадларга бўлган ҳукуқларнинг бугунги кунда мавжуд қиймати сифатида аниқланади.

Даромадни капиталлаштириш келажақда кўриладиган, мулкдор кўчмас мулк объектидан кўриши мумкин бўлган молиявий наф қийматининг жорий қийматини ҳисоблашни назарда тутади. Молиявий наф мулк объектига эгаликқилишнинг кутилаётган муддати давомида вақти-вақти билан олинадиган даромад оқими ва кўчмас мулкка нисбатан мулкдорлик ҳукуқини сотиш (ёки ўтказиш)дан келган тушумдан ташкил топади.

Кўчмас мулкни баҳолашда келажақда олинадиган даромадларни уларнинг жорий қийматига келтиришнинг икки асосий процедураси: капиталлаштириш коэффициентидан ва дисконт ставкасидан фойдаланган ҳолда амалта ошириладиган процедуралари қўлланади. Капиталлаштириш коэффициенти бир йилда олинган даромадларга нисбатан қўлланади. Одатда бу прогноз қилинаётган биринчи йил. Қиймат қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_t = \frac{K_1}{1+n}$$

$K$  – жорий қиймат;

$K_1$  – т йилининг охирида олинадиган даромад;  
 $n$  – дисконт ставкаси (даромадлилик нормаси).

$$K_t = K_1 \cdot \frac{1}{1+n}$$

$\frac{1}{1+n}$  катталиги капиталлаштириш коэффициентидир ёки капиталлаштириш коэффициенти қиёсланаётган сотишлардан йиллик даромаднинг сотиш нархига нисбати тарзида ҳисоблаб чиқарилади (тўғридан тўғри капиталлаштириш) ёки капиталдан олиш кутилаётган даврий даромад ставкасидан ва берилаётган инвестицияларни қоплаш шартларидан келиб чиқиб ҳисобланади (кўриладиган наф билан капиталлаштириш).

Дисконт ставкасидан дисконтланган пул оқимлари моделини түзиш учун фойдаланилади. Бунда прогноз қилинаёттан ҳар бир йилдаги даврий даромадлар ва сотишлардан келгандығы зылон қилинган тушум жорий қыйматта көлтирилади. Пул оқимларини дисконтлаш модели қуйидаги күрнишга эга:

$$K = \frac{K_t}{1+n}$$

$$K = \frac{K_t}{(1+n)^2}$$

$$K = \frac{K_t}{(1+n)^3}$$

$$K = \frac{K_t}{(1+n)^t}$$

$K$  – жорий қыймат;

$K_t$  –  $t$  йилининг охирида олинадиган даромад;

$n$  – дисконт ставкаси;

$t$  – вақт омили.

Даромадни капиталлаштириш усули бозорни кеңг ўрганиши талаб этади. Мазкур усул маълумотларини ўрганиши ва таҳлилдан ўтказиш бозорда кутилаётган тенденциялар ҳақида ахборот берадиган талаф ва таклифнинг ўзаро алоқаси фонида амалга оширилади. Инвестицияларни жалб қилиш учун зарур даромад даражаси күчмас мулкка ичдан хос бўлган таваккалчилик функцияларидир. Бундан ташқари, инвесторлар учун зарур даромад даражаси пул бозорида содир бўлган ўзгаришлар ва инвестициялашнинг муқобил имкониятлари сифатида таклиф қилинган даромадлардаги ўзгаришлар билан бирга ўзгариб боради.

## 2.7. Корхонанинг жорий харажатларини бошқариш

Тадбиркорлик фаолияти жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маҳсулотни реализация

қилиш учун зарур ҳар хил сарф-харажатлар қиласидилар. Барча харажатлар иқтисодий мазмунига, қайси мақсадга йўналтирилганлигига қараб жорий сарф-харажатлар, жорий харажатлар ва капитал қўйилмаларга ажратилиди.

Жорий харажатлар маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ. Улар корхонанинг барча сарф-харажатларида энг катта салмоққа эга бўлади ва маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида хос ашё ва материаллар, бутловчи қисмлар, ёнилғи ва энергиядан фойдаланиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, асосий фонdlардан фойдаланиш харажатлари ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Жорий сарф-харажатлар корхонага ишлаб чиқариш даври якунланганидан ва маҳсулот реализация қилинганидан кейин маҳсулотни реализация қилишдан келган тушум таркибида қайтиб келади. Жорий сарф-харажатлар таркиби хилма-хил бўлиб, маҳсулот таннархига оидлигига, турдошлигига, ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирига қараб туркумланади.

Молия менежментида жорий сарф-харажатларни бопқариш ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига боғлаб ўрганилади. Жорий сарф-харажатларнинг миқдори, таркиби ва тузилишини режалаштириш ҳақида қарор қабул қилишда:

- маҳсулот таннархи ва ўтган даврда олинган даромад ҳақида маълумотлардан;
- кутилаётган сарф-харажатлар ва даромадлар ҳақида батафсил ахборотдан фойдаланилади.

Агар ишлаб чиқариш ва маҳсулотни реализация қилиш ҳажмида тафовут катта бўлса, ўтган даврда олинган даромадга асосан қарор қабул қилишда инфляцияга қараб тузатиш киритилади.


Ишлаб чиқариш дастурида жиддий ўзгаришлар бўлса, муқобил вариантларни кўриб чиқиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, унинг нархи, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ҳоказолардаги ўзгаришларга қараб уларнинг самараадорлигига баҳо бериш учун сарф-харажатларнинг мазмуни, таркиби ва тузилишини батафсил таҳлилдан ўтказиш керак.

Бу нуқтаи назардан молия менежментида барча жорий сарф-харажатлар шартли-ўзгарувчи ва шартли-ўзгармас сарф-харажатларга бўлинади. Шартли-ўзгарувчи сарф-харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлади ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига мутаносиб равишда ўзгаради. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига қараб улар кўпайиб боради. Маҳсулот бирлигига нисбатан ўзгарув-

чи харажатлар ўзгармас катталик ҳисобланади, ялпи ўзгарувчи харажатлар эса ишлаб чиқариш ҳажмиға чизикли боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга шартли-ўзгарувчи сарф-харажатлар жумласига хом ашё ва материаллар, технологик ёнилғи, электр энергия сотиб олиш, ишлаб чиқаришда банд этилган ишлиларга асосий иш ҳақини тўлаш харажатлари ва бошқа шунга ўхшаш харажатлар киради. Ноишлаб чиқариш аҳамиятига эга шартли-ўзгарувчи сарф-харажатлар жумласига транспорт харажатлари, савдо харажатлари ва йигимлари ва бошқалар киради.

Сарф-харажатларни ишлаб чиқариш ҳажмиға қатъий боғлаш шартли бўлади. Амалда шундай вазиятлар юзага келадики, ўзгарувчи харажатларнинг уёки бўйича харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмидан бошқача суръатда ўзгарилиши мүмкун. Масалан, хом ашё сотиб олишда унинг қиймати сотиб олинаётган партия миқдорига боғлиқ, яъни харид миқдори қанча катта бўлса, нарх шунча кичкина бўлади.



Шартли-ўзгармас сарф-харажатлар – бу маълум даврдаги ишлаб чиқариш ҳажмиға боғлиқ бўлмайдиган харажатлардир. Бундай харажатлар жумласига амортизацион ажратмалар, маъмурий-бошқарув ходимларининг меҳнатига тўланадиган ҳақ, биноларни жорий сақлаш, иситиш ва ёритиш харажатлари, ижара ҳақи ва бошқалар киради. Шартли-ўзгармас сарф-харажатларнинг маҳсулот бирлигига нисбатан ҳисобланган даражаси бутун ишлаб чиқариш ҳажми учун ўзгармас бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши билан нисбатан камайиб боради.

Шартли-ўзгармас сарф-харажатлар ишлаб чиқариш ҳажми билан боғлиқ бўлмаган омиллар таъсирида ўзгариши мумкин. Бундай омиллар жумласига нарх-навонининг ўсиши, асосий фондларнинг қайта баҳоланиши, амортизация нормаларининг ўзгариши киради.

Сарф-харажатларни ўзгарувчи ва ўзгармасга ажратиши бошқа-  
рув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлиб, молия менежмен-  
тига қўйидаги вазифаларни ҳал қилишга ёрдам беради:

- харажатларнинг ўзини оқлаши даражасига баҳо бериш;
- корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги даражасини мақбул-  
лаштириш.

Маҳсулотни тасарруф қилишдан келган тушумни ялпи ха-  
ражатларга таққослаш ишлаб чиқаришнинг юкланган ҳажмида ва ўзга-  
рувчи ва ўзармас харажатларнинг нисбатида олиш мумкин бўлган  
даромад миқдорини аниқлаш имконини беради.

Даромад миқдорини мақбуллаштириш мақсадида молия ме-  
нежери ўзгарувчи ва ўзармас харажатларнинг нисбати маълум бўлга-  
нида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши олинадиган даромад миқ-  
дорига қандай таъсир кўрсатишини аниқлаши лозим.

Ўзгарувчи ва ўзармас харажатларнинг нисбатини корхона им-  
кониятлари доирасида ўзгаририб, даромад миқдорини мақбуллаш-  
тириш масаласини ҳал қилиш мумкин. Бундай боғлиқлик “ишлаб  
чиқариш ричаги эфекти” деб аталади. Ишлаб чиқариш ричаги-  
нинг таъсир кучи маҳсулотни реализация қилишдан келган тушум-  
нинг ўзгарувчи харажатларга айирмасининг реализациядан олин-  
ган даромадга бўлинмаси тарзида аниқланади.

Ишлаб чиқариш ричагининг таъсир = кучи	Тушум – ўзгарувчи харажатлар Сотишдан олинган даромал
--	--

Яъни, реализациядан келган тушумнинг ўзгаришига қараб  
даромад неча фоизга кўпайишини аниқлаш учун тушумнинг фоиз  
ўсишини мана шу миқдорга кўпайтириш керак.

Харажатларнинг умумий миқдорида ўзгармас харажатлар сал-  
моғи қанча катта бўлса, ишлаб чиқариш ричагининг таъсир кучи  
шунча катта бўлади ва аксинча. Бундай қонуният реализациядан  
келган тушум ўсиб борган тақдирда амал қиласди. Ўзгармас ха-  
ражатлар салмоғининг ортиши ишлаб чиқариш ричагининг таъсир  
кучини янада оширади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин:

- ишлаб чиқариш ричагининг таъсир кучи корхона активлари  
тузилишига, айланишлан ташқаридаги активлар салмоғига боғлиқ.  
Асосий фондларнинг қиймати қанча баланд бўлса, ўзгармас ха-  
ражатлар салмоғи шунча катта бўлади;

- ўзгармас харажатлар салмоғининг катталиги жорий ғамла-

маларни тезкор бошқариш доирасини торайтиради;


- ишлаб чиқариш ричагининг таъсир кучи қанча катта бўлса, тадбиркорлик таваккалчилиги даражаси шунча юқори бўлади.

Рентабеллик бўсағасини аниқламасдан жорий харажатларни самарали бошқариш мумкин эмас. Рентабеллик бўсағаси ўзгармас ва ўзгарувчи харажатлар ўзини оқладиган ишлаб чиқариш ҳажми-ни таксифлайди. Бундан паст ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш фойдасиз ҳисобланади. Рентабеллик бўсағаси қўйидаги формула бўйича аниқланади:

### Ўзгармас харажатлар

$$\text{Рентабеллик} = \frac{\text{бўсағаси}}{\text{сотишдан}} - \frac{\text{ўзгарувчи харажатларнинг}}{\text{келган тушум}} \text{нисбий миқдори}$$

Рентабеллик бўсағаси ёрдамида харажатларнинг ўзини оқлаш даври аниқланади. Рентабеллик бўсағаси қанча кичкина бўлса, харажатлар ўзини шунча тез оқлади вааксинча.



Молиявий мустаҳкамлик захираси маҳсулотни реализация қилишидан келган тушум ва рентабеллик бўсағасига қараб аниқланади.

$$\text{Молиявий мустаҳкамлик} = \frac{\text{Сотишиндан}}{\text{захираси}} - \frac{\text{Рентабеллик}}{\text{бўсағаси}}$$

Шундай қилиб, жорий харажатларни бошқариш стратегияси қўйидагиларни аниқлашни назарда тутади:

- маълум ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур жорий харажатлар йигинидисини;

- ўзгарувчи ва ўзгармас харажатлар ўргасидаги мақбул нисбатни;

- молиявий мустаҳкамлик захирасини;
- корхонанинг жорий харажатлари ўзини оқладиган муддатларни.


Молия менежери жорий харажатларни шакллантиришнинг ҳар хил варианtlарини таҳлилдан ўтказиш йўли билан ўз корхонаси фаолиятининг муайян иқтисодий шароитларига тўғри келадиган вариантни таҳлаши мумкин.

## 2.8. Айланма воситаларни бошқариш

Бир ишлаб чиқариш цикли давомида пул маблағларига айлантириш мумкин бўлган активлар айланма маблағлар (жорий активлар) деб ҳисобланади. Соф айланма активлар деганда жорий активлар билан жорий мажбуриятлар ўртасидаги тафовут тушунилади.

Айланма активлар корхона активларининг сафарбар этилган қисмидир. Айланма активлар қуйидагиларни ўз ичига олади: моддий-ишлаб чиқариш ғамламалари ва харажатлар, тайёр маҳсулот, дебитор қарзлари, пул маблағлари. Айланма активлар муттасил ҳаракатда бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини тъзминлайди. Бунда қўймат шаклларининг доимий ва қонуний ўзгариши: пул шаклидан товар шаклига, сўнг ишлаб чиқаришга, ниҳоят, яна товар ва пул шаклларига ўтиши содир бўлади.

Жорий активларнинг айланнишини қуйидаги расм кўринишида тасвиrlаш мумкин:



Корхона активларининг умумий миқдорда айланма активлар салмоғи катта бўлади. Хўжалик юритувчи субъект тадбиркорлик фаолиятининг муваффақияти айланма активлардан самарали фойдаланишишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Айланма активларни бошқариш молия менежерининг ишида доимий, кундалик ва узлуксиз жараёндир.

Айланма активларни бошқариш обьектлари жумласига қуйидагилар киради: уларнинг ликвидилиги даражаси, таркиби, тузилиши, катталиги, қоплаш манбалари ва уларнинг тузилиши. Ликвиддилик даражасига қараб секин реализация қилинадиган, тез реализация қилинадиган ва абсолют ликвид айланма активлар тафовут этилади.

Секин реализация қилинадиган айланма активлар жумласига хом ашё, материалларнинг ғамламалари, тугалланмаган ишлаб чи-

қарыш, тайёр маҳсулот ғамламалари киради. Тайёр маҳсулот ғамламалари секин реализация қилинадиган активларнинг энт ликвидли қисми. Омборда тайёр маҳсулот ғамламаларини ҳосил қилиш учун зарур айланма маблағлар миқдорини аниқлаш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни реализация қилиш ҳажмлари прогнозлари билан узвий боғлиқ. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари яхши йўлга кўйилган бўлса, омборда тайёр маҳсулотнинг йигилиши минимал бўлиши мумкин.

Молия менежери бозор контъюнктурасини таҳлилдан ўтказиш асосида яқин даврдаги сотувлар ҳажмини прогноз қилиши лозим. Акс ҳолда маҳсулот омборда туриб қолиши, бунинг натижасида пул маблағларининг катта қисми айланишдан чиқарилиши, бу эса корхонанинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатиши мумкин.

Хом ашё ва материаллар ғамламаларининг ликвидлилиги дарражаси нисбатан паст, шунинг учун ҳам молия менежерининг вазифаси ишлаб чиқариш ва маҳсулотни реализация қилиш жараёнинг узлуксизлигини таъминлаш учун зарур ғамламалар миқдорини аниқлашдан иборат.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришга жойлаштирилган пул маблағларининг миқдорлари ишлаб чиқариш циклининг узоқлигига боғлиқ бўлиб, бу ишлаб чиқариш, маҳсулот технологияси, унинг техникиктиносидий тавсифлари ва истеъмол хоссалари билан белгиланади.

Тез реализация қилинадиган айланма активлар жумласига дебитор қарзлари киради, чунки уларни жуда тез пул маблағларига айлантириш мумкин. Дебитор қарзлари маҳсулотни реализация қилиш даврида вужудга келади. Дебитор қарзлари деганда харидорлар корхонага тўлаши керак бўлган пул маблағлари тушунилади. Айланма активлар таркибида қайтариш мурдати бир йилдан ошмайдиган дебитор қарзлари хисобга олинади.

Дебитор қарзлари даражасига жуда кўп объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатади. Тадбиркорлик фаолияти амалга оширилаётган иктиносидий шароитлар объектив омиллар жумласига киради. Субъектив омиллар жумласига эса молия менежерининг касбий савиёси, корхонанинг реализацияга таъсир кўрсатувчи кредит сиёсати киради.

Дебитор қарзларини бошқаришда унинг бир қисми қайтарилмаслиги мумкинлигини ҳам эътиборга олиш керак. Маҳсулот етказаб берувчи корхона учун бу маҳсулотни реализация қилишдан келадиган тушум ва даромад миқдорининг қисқаришини билдиради. Умидсиз қарзларнинг миқдорини баҳолаш талаб этилади. Уни икти-

содий вазиятдаги ўзгаришларни зътиборга олган ҳолда ўтган даврдаги қайтарилмаган дебитор қарзлари миқдоридан келиб чиқиб хисоблаш мумкин. Баҳолаш учун иккى усул кўлланади.

Биринчи усулда қайтарилган дебитор қарзларининг реализация ҳажмига фоиз нисбати асос қилиб олинади. Иккинчи усулда тўланмаган счёtlар ва векселларнинг уларнинг умумий ҳажмига фоиз нисбати аниқланади. Молия менежери дебитор қарзлари даражасини, уларнинг тузилишини назорат қилиши, шубҳали қарзлар бўйича захира миқдорини аниқлаши лозим.

Қимматли қоғозлар – бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозларига қисқа муддатли қўйилмалар, давлат облигациялари ва бошқалар жорий активларнинг энг ликвидли қисмидир.

Кассадаги, банк ҳисоб варақларидаги пул маблағлари абсолют ликвидли активлар жумласига киради. Айланма маблағлар таркибида жорий тўловлар учун мўлжалланган пул маблағлари ҳисобга олинади. Молия менежерининг вазифаси нақд пул маблағлари билан қимматли қоғозлар ўртасидаги нисбатни аниқлашдан иборат. Бу вазифани ҳал қилишда пул маблағлари фамламасини вужудга келтиришнинг афзалликларига, уларни сақлаш харажатларига ёки пул маблағларини маълум даромад келтирадиган қимматли қоғозларга қисқа муддатли жойлаштириш харажатларига баҳо бериш лозим.

Айланма маблағлар таркиби, тузилиши ва миқдорига ишлаб чиқаришнинг хусусияти ва оғирлиги, ишлаб чиқариш циклигининг узоқлиги, хом ашё қиймати, ҳисоб-китоблар тартиби, бозорнинг тармоқ хусусияти ва конъюнктураси таъсир кўрсатади. Айланма маблағлар миқдори ўзгармас бўлмайди, у ишлаб чиқариш ҳажмига, унинг мавсумийлигига, етказиб беришларнинг нотекислигига, юклаб жўнатилган маҳсулот учун маблағлар ўз вақтида келиб тушмаслигига боғлиқ бўлади, шунинг учун ҳам ўзгармас ва ўзгарувчи айланма капитални тафовут этиш қабул қилинган.


Ўзгармас айланма капитал – бу жорий активларнинг ишлаб чиқариш цикли давомида нисбатан ўзгармайдиган қисмидир. У ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур жорий активларнинг ўртача ёки минимал миқдори бўлиши мумкин. Ўзгарувчи капитал миқдори корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг алоҳида даврларида юзага келадиган ўзгаришлар билан боғлиқ айланма маблағларга қўшимча эҳтиёжни (ишнинг мавсумийлиги, тайёр маҳсулотнинг яхши реализация қилинмаслиги, дебитор қарзларининг ўсиши ва ҳ.к. натижасида қўшимча харажатларга эҳтиёжни) белгилайди.

Молия менежерининг вазифаси айланма капиталнинг мақбул даражасини аниқлашдан иборат. Агар айланма капитал миқдори паст аниқланган бўлса, корхонада ҳамиша пул маблағларининг тақчиллиги сезилади, ликвидлилик даражаси паст бўлади, натижада ишлаб чиқариш жараёнида узилиш содир бўлади, даромадлар бой берилади. Жорий активлар жорий мажбуриятлардан қанча кўп бўлса, корхонанинг ликвидлилиги шунча катта бўлади. Аммо айланма маблағларга бўлган мақбул эҳтиёжга нисбатан бундай маблағлар кўпайиб кетса, бу уларнинг айланувчанлиги сусайишига олиб келади ва даромад миқдорини камайтиради.

Шундай қилиб, айланма маблағларни бошқариш стратегияси корхонанинг тўлашга лаёқатини таъминлашга ҳамда айланма маблағларнинг мақбул ҳажми ва тузилишини аниқлашга асосланади. Айланма маблағларни бошқаришнинг комплекс сиёсати жорий активлар ва жорий пассивларни бошқариши ўз ичига олади.

Жорий активларни бошқариш деганда уларнинг миқдори, таркиби ва тузилишини аниқлаш тушунилади. Жорий активларни молиялаштириш стратегияси молия менежери вақтингчалик эҳтиёжларни қоплаш, яъни айланма маблағларнинг ўзгарувчи қисмини қоплаш манбалари юзасидан қандай қарор қабул қилишига қараб аниқланади.


Молия менежментида айланма маблағларни бошқаришнинг тўрт модели: идеал, агрессив, консерватив ва мўътадил моделлар тафовут этилади. Идеал модель жорий активлар – соғ айланма капитал – миқдорига қўра жорий пассивлар билан мос келишини назарда тутади. Бу модель амалда жуда кам учрайди.



Графикдан кўриниб турибдики, жорий активлар қисқа муддатли мажбуриятлар билан тўлиқ қопланган. Бу модель ликвидлилик нуқтай назаридан хавфлидир. Кўпчилик кредиторлар билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш зарурати тугилган тақдирда корхона жорий кре-


дитор қарзларини қоплаш учун ўз асосий воситаларининг бир қисмини сотишга мажбур бўлади.

Агрессив модель шу билан тавсифланадики, барча активлар таркибида жорий активлар салмоғи катта, уларнинг айланувчанлиги даври узоқ аа барча пассивлар таркибида қисқа муддатли кредитлар салмоғи нисбатан катта бўлади.



Кўриб турганимиздек, айланма маблаглар салмоғи асосий воситалар салмоғидан анча катта. Корхона хом ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотнинг катта ғамламаларига, анча катта дебитор қарзларига эга. Жорий активларнинг ўзгарувчи қисмигина эмас, ўзгармас жорий активларнинг бир қисми ҳам қисқа муддатли кредит ҳисобига молиялаширилган. Бинобарин, ўзгармас айланма капитални молиялаширишла қисқа муддатли кредит салмоғи қанча катта бўлса, молиявий сиёsat шунча агрессив бўлади. Айланма маблагларни бошқаришнинг агрессив моделида кредит учун фоизлар тўлашга корхонанинг харажатлари ортиб боради, бу эса рентабелликни пасайтиради ва ликвидиликни йўқолиши хавфини пайдо қиласди.


Консерватив модель корхона активлари таркибида жорий активлар салмоғи катта, активларнинг айланниш даври нисбатан кичкина, жорий пассивлар таркибида қисқа муддатли кредит салмоғи паст бўлишини ёки қисқа муддатли кредит умуман олинмаслигини назарда тутади.



Графикдан кўринадики, жорий активлар салмоғи нисбатан кам, шунинг учун ҳам корхонанинг барча пассивлари миқдорида қисқа муддатли молиялаштиришнинг салмоғи унча катта эмас. Қисқа муддатли кредит ҳисобидан корхона жорий активларининг бир қисмигина қопланган. Айланма маблағларга бўлган эҳтиёжнинг қолган қисми ўзгармас активлар ҳисобидан қопланган.

Консерватив сиёсат активларнинг рентабеллитетини оширишга кўмаклашади. Аммо, кутилмаган вазиятлар юзага келган тақдирда, унда хавф-хатар элементлари ҳам кўзга ташланади.

**Мўътадил модель** жорий активлар барча активларнинг ярмини ташкил этган, айланма маблағларнинг айланиш даври ва пассивлар тарқибида қисқа муддатли кредит салмоғи ўртacha бўлган ҳолларда қўлланади.



Айланма маблағларни бошқаришнинг мўътадил молиявий сиёсати агесив ва консерватив моделларнинг муросага келтирилган кўринишидир. Бу ҳолда рентабеллик, айланувчанлик ва ликвидилик кўрсаткичлари ўртacha бўлади. Молия менежери жорий активларни бошқаришнинг ҳар моделларини таққослаш асосида айланма маблағларни бошқаришнинг рентабеллитетига баҳо бериши лозим.

## 2.9. Молиявий таваккалчиликни бошқариш

Ҳар қандай хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг вазијатга боғлиқ томони бўлиб, шу фаолиятнинг охири нима билан туғаши ноаниқ, омад юришмаса, оқибатда зарар кўриш мумкин. Таваккалчилик фойдадан маҳрум бўлиш ва бошқа сабабларга кўра зарар кўрини сингари ёмон оқибатлар рўй бериши эҳтимоли билан ифодаланади. Тадбиркорлик фаолиятида кўриладиган заарлар моддий зарарлар, меҳнат зарарлари, молиявий зарарларга бўлинади.

Таваккалчилик қуйилаги белгиларга қараб түркүмләнәди:

- хўжалик фаолиятининг турига қараб – тадбиркорлик (ишлаб чиқариш, тижорат, молия) ва истеъмол таваккалчилиги;
- намёён бўлиши белгисига қараб – спекулятив, оддий (соф) таваккалчилик;
- молиявий воситачилик турига қараб – инвестицион, сугурта, банк таваккалчилиги.

Ишлаб чиқариш таваккалчилиги ишлаб чиқариш жараёнида юзага келади. Бунга ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши, моддий меҳнат харажатларининг ўсиши ва бошқалар сабаб бўлади.

Тижорат таваккалчилиги маҳсулот (хизматлар)ни реализация қилиш, хом ашё, материаллар харид қилиш ва ҳоказолар билан боғлиқ. Бунга реализация ҳажмининг камайиши, харид нархларининг ошиши, муомала харажатларининг ортиши, реализация қилиш жараёнида маҳсулотнинг исроф бўлиши ва бошқалар сабаб бўлади.

Молиявий таваккалчилик корхона банклар, молия, сугурта компаниялари, биржалар билан муомала қилиши жараёнида юзага келади. Бунга инфляция, банк ҳисоб ставкаларининг ортиши, қимматли қоғозлар қийматининг пасайиши ва бошқалар сабаб бўлади.

Зарар кўриш ёки ноль натижага эришиш эҳтимолини ифода этадиган таваккалчилик соф таваккалчилик деб аталади. Спекулятив таваккалчилик мусбат ва манфий натижалар олиш эҳтимоллигини ифода этади.

Тадбиркорнинг ёки раҳбарнинг таваккалчилик даражасига қараб хавф ва эҳтимоллик даражаси, шунингдек фойда вазарар даражаси турлича бўлади. Шу сабабли хавфдан холи ёки қисман холи бўлиш учун таваккалчилик даражаси билан хавф-хатар даражаси ўртасидаги энг мақбул нисбатни танлаб олиш керак.

Ишлаб чиқариш ва савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарнинг молиявий таваккалчилиги турларини кўриб чиқамиз. Молиявий таваккалчиликнинг кредит, фоиз, бой берилган наф, инвестиция, солиқ турлари тафовут этилади.

Кредит таваккалчилиги – қарз олган томоннинг ўз мажбуриятларини тўлай олмаслик хавфи. Фоиз таваккалчилиги – кредит қийматининг ортиши натижасида зарар кўриш эҳтимоли хавфи. Валюта билан боғлиқ таваккалчилик – бу чет эл валютаси курсининг ўзгариши оқибатида кўриладиган катта зарарни билдиради. Бу таваккалчилик экспорт-импорт операцияларини, шунингдек валюта операцияларини баҳолашда ўта зарурдир.

Бой берилган наф таваккалчилиги деганда бирон-бир ҳаралатни амалга оширмаслик ёки хўжалик фаолиятининг тўхтатилиши натижасида билвосита зарар кўриш ёки фойда олмаслик эҳтимоли тушунилади. Инвестиция таваккалчилиги деганда янги товар ёки хизмат, янги технологияни ишлаб чиқариш ва жорий қилишга сарфланган харажатларнинг қопланмаслиги оқибатида кўриладиган таваккал зарар тушунилади.

Солиқ таваккалчилиги солиқ кредити берилмаслиги, солиқ соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ўзгариши, солиқ инспекцияси ходимлари маълум имтиёзлар ёки муайян санкцияларни қўллаш юзасидан якка тартибда қабул қиласидиган қарорлар билан боғлиқ хавф-хатарларини ўз ичига олади.

Корхонанинг барқарорлиги бозор иқтисоди шароитларида корхона яшовчанлигининг гаровидир. Умумий барқарорлик, нархнаво барқарорлиги, молиявий барқарорлик тафовут этилади.

Аксарият ҳолларда иқтисодий баҳолашлар ва бошқарув қарорлари кўп вариантили бўлиб, эҳтимоллик таъсифига эга. Шу сабабли хато ва янгилишишлар бу жараёнда табиий бўлса-да, нохуш ҳолдир. Шундай шароитда молия менежери: таваккалчиликдаги хавф эҳтимолини; хавф даражасини пасайтириш чораларини; эҳтимол қилинаётган зарарни қотлаш йўлларини олдиндан ҳисоб-китоб қилиши лозим. Таваккалчиликни бошқаришнинг моҳияти ҳам ана шунда.

Таваккалчиликни бошқаришдан мақсад - қандай шароитда бўлмасин, фойданинг минимал даражадан паст бўлишига йўл кўймаслиkdir.

Таъсир кўрсатиш обьектига қараб молиявий хавф-хатарлардан ҳимоя усуслари икки хил бўлади: жисмоний ҳимоя, иқтисодий ҳимоя. Жисмоний ҳимоя деганда сигнализация воситалари ўрнатиш, сейфлар сотиб олиш, маҳсулот сифатини назорат қилиш тизимларини ўрнатиш, кўриқлашни таъминлаш ва ҳоказолар тушунилади. Иқтисодий ҳимоя қўшимча харажатлар даражасини прогноз қилиш, кўрилиши мумкин бўлган зарарнинг оғирлиги даражасига баҳо бериш, хавф-хатарларни ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш учун молия механизмидан фойдаланишни назарда тутади.

Таваккалчиликни бошқаришнинг тўрт усули маълум: таваккалчиликни огоҳлантириш, зарар кўрилишининг олдини олиш ва назорат қилиш, сугурталаш, зарарни қотлаш. Таваккалчиликни огоҳлантириш – бу хавф-хатарли тадбирни амалга оширишдан воз кечишилди. Бу одатда фойдаладан воз кечишини ҳам билдиради. Зарар кўри-

лишининг олдини олиш ва назорат қилиш молиявий таваккалчиликни бошқариш усули сифатида салбий оқибатларнинг олдини олиш, тасодифларга йўл қўймаслик, агар зарар кўрилган ёки зарар кўрилиши муқаррар бўлса, уларнинг миқдорини назорат қилишни назарда тутади.

Сугурталашнинг моҳияти шундаки, инвестор таваккалчиликдан қутулиш учун даромаднинг бир қисмидан воз кечишга, яъни таваккалчилик даражасини нолга келтириш учун ҳақ тўлашга тайёр бўлади. Бунда:

1. кўрилган зарарлар бир хил таваккал қилган тадбиркорлар гурӯҳи ўртасида қайта тақсимланади (ўзини ўзи сугурталаш);
2. сугурта фирмасига ёрдам сўраб мурожаат этилади.

Зарарни қоплашда кўрилган зарар тан олинади ёки уни сугурталашдан воз кечилади. Кўрилиши мумкин бўлган зарар миқдори кам бўлган ҳолларда зарарни қоплаш усули қўлланади. Молиявий таваккалчилик масаласини ҳал қилишнинг муайян воситасини танлашда инвестор қўйидаги принциплардан келиб чиқиши лозим:

- ўз капитали имкониятлари доирасидагина таваккал қилиш керак;

- камни деб кўп билан таваккал қилмаслик керак;
- таваккалчилик оқибатларини олдиндан кўра билиш зарур.

Таваккалчиликни бошқариш жараёнини олти босқичга ажратиш мумкин: мақсадни аниқлаш, таваккалчиликни аниқлаш, таваккалчиликни баҳолаш, таваккалчиликни бошқариш усувларини танлаш, танланган усулни қўллаш, натижаларга баҳо бериш.

1. Молиявий таваккалчилик нуқтаи назаридан, мақсадни аниқлаш жиддий зарар кўрилган тақдирда фирманинг яшаб қолишини таъминлашни назарда тутади. Корхонани ташқи таъсиrlардан ҳимоя қилишда икки туркум омиллар – бевосита ва билвосита таъсиr кўрсатувчи омиллар кўриб чиқлади. Таъминотчилар, харидорлар, рақиблар, давлат бевосита таъсиr кўрсатувчи омиллар жумласига киради. Иқтисоднинг ҳолати, ижтимоий-маданий омиллар, сиёсий омиллар, фан-техника ютуқлари, халқаро ҳодисалар билвосита таъсиr кўрсатувчи омиллардир. Ички муҳитнинг ижобий омилларига маҳсус “иқтисодий хавфсизлик” хизмати, барча кутилмаган харажатларнинг олдини оладиган “иқтисодий огоҳлантириш” тизими-нинг мавжудлиги киради.

2. Ҳар хил ахборот тўплаш ҳамда расмий ва норасмий манбадардан олинган ахборотдан фойдаланиш йўли билан хавф-хатар-

ларни аниқлаш. Молиявий ҳисобот ва бизнес-режалардан олинган маълумотлардан ташқари, расмий ахборот манбалари жумласига даврий матбуот, радио, телевидениедан олинган ахборот киради. Норасмий ахборот жумласига саноат жосуслиги ёрдамида олинган маълумотлар ҳам киради.

3. Таваккалчиликни таҳлил қилиш (баҳолаш). Заар кўрилганидан кейинги босқич унинг миқдори ва кўламини аниқлашдир.

4. Таваккалчиликни бошқариш усусларини танлаш. Олдинги тадқиқотларнинг натижаларига асосан таваккалчиликни бошқариш усули танланади, бир неча усуслан иборат комбинация тузиши ҳам мумкин.

5. Тағланган у ёки бу усулни кўллаш.

Ҳар қандай таваккалчиликни бошқариш стратегияси заарларнинг олдини олиш ва назорат қилишни назарда тутади. Бунда молия менежментининг барча функциялари: режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш ишга солинади.

6. Молиявий таваккалчиликни бошқаришнинг сўнгги босқичи – натижаларга баҳо бериш. Бунинг учун мавжуд заарларни кўриб чиқиб имконини берадиган аниқ ахборот тизими ва зарар кўрилишининг олдини олиш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар талаб этилади. Инвестор байзан натижалари ноаниқ бўлган ва чекланган ахборотта асосланган қарорлар қабул қиласди. Ахборот тўлиқ ва мукаммал бўлса, янада яхши прогноз қилиш ва таваккалчилик даражасини камайтириш мумкин. Бу ҳолда фойдали ахборот товар бўлиб хизмат қиласди. Тўлиқ ахборотнинг қиймати тўлиқ ахборот мавжуд ҳолларда бирон-бир ҳариднинг кутилаётган қиймати билан ахборот тўлиқ бўлмаган ҳолда кутилаётган қиймати ўртасидаги тафовут тарзила аниқланади.

Таваккалчиликни таҳлилдан ўтказиша энг аввало унинг асосий манбалари ва сабабларини аниқлаш зарур. Ҳўжалик фаолияти, менежерлар шахси, табиий омиллар таваккалчиликнинг манбалари бўлиши мумкин. Ахборотнинг тақчиллиги, келажакнинг ноаниқлиги, иш бўйича ҳамкорнинг ҳаракатларини олдиндан бапшорат қилиб бўлмаслиги таваккалчиликнинг сабаблари бўлади.

Таҳлилнинг бир-бирини гўлдирадиган икки тури: сифат таҳлили ва сон таҳлили тафовут этилади. Сифат таҳлилида барча мумкин бўлган таваккалчиликлар идентификация қилинади. Таваккалчилик омилларини, таваккалчилик юзага келадиган иш босқичларини аниқлаш сифат таҳлилининг асосий вазифаси. Капитални жойлаштиришдан кўрилган зарар мазкур капитал ҳажмига тенг, ундан кам ёки кўп бўлиши мумкин.

Таҳлилдан таваккалчиликнинг даражасини аниқлаш лозим. Таваккалчилик даражаси мўътадил, инқирозли ва ҳалокатли бўлиши мумкин.

Таваккалчилик даражаси мўътадил бўлса, режалаштирилаётган лойиҳани амалга оширишдан олинадиган даромадни тўлиқ бой бериш хавфи мавжуд.

Таваккалчилик даражаси хавфли бўлса, нафақат даромад олинмаслиги, балки тушум келмаслиги, заарлар тадбиркор ҳисобидан қопланиши хавфи мавжуд.

Таваккалчилик даражаси ҳалокатли бўлса, тадбиркор ўз капитали, мол-мулкини йўқотиши ва банкрот бўлиши, яъни синиши мумкин.

Сон таҳлили деганда молиявий таваккалчиликдан кўриладиган зарарнинг муайян миқдорини аниқлаш тушунилади. Абсолют ифодалашда таваккалчилик кўрилиши мумкин бўлган заарларнинг моддий ёки қиймат миқдорида аниқланishi мумкин. Нисбий ифодалашда таваккалчилик корхонанинг мулкий ҳолатини, тадбиркорликнинг мазкур турида ресурсларнинг умумий харажатларини ёки кутилаётган фойда (даромад)ни қабул қилиш қулай бўлган айрим негизга нисбатан олинган кўрилиши мумкин бўлган заарлар миқдори сифатида аниқланади. Бундай ҳолларда кутилаётган натижаларга таққослаганда фойда, даромад, тушумнинг тасодифий камайишини зарар деб ҳисоблаш лозим.

Кредит таваккалчилигининг олдини олиш учун қуйидаги усуллар қўлланилиди: корхонанинг тўлашга лаёқатини мунтазам баҳолаб бориш; олинадиган кредитларнинг миқдорини камайтириш; кредитларни суғурта қилиш; кредитни барқарор таъминлаш; бир марталик кредитлар олиш ўрнига доимий кредит шартномалари тузиш.

Фоиз таваккалчилигини камайтириш усуллари кредит таваккалчилигини камайтириш усуллари билан бир хил. Солиқ таваккалчилигини бошқариш режалаштириш ва ташкил этишда қийинчилик туғдирмайди: солиқлардан қонуний бўйин товлашнинг барча усуларини қўллаш, аудиторлар маслаҳатидан фойдаланиш, қонунчиликка оид эскирган ахборотларни ўз вақтида алмаштириш зарур.

Валюта таваккалчилигини камайтириш учун қуйидаги усуллар қўлланади: турли валюталарда кредитлар олиш, форвард шартномалари тузиш, валюта таваккалчилигини суғурта қилиш, валюта айланисини тезлаштириш, бир нечта валюта турлари билан ишлаш, валюта опционларидан, фьючерслардан фойдаланиш, хежирлаштириш.

Инвестиция таваккалчилиги ҳамиша варианtlарни танлаш билан, варианtlарни танлаш эса мәлум даражада ноаниқлклар билан боғлиқ. Бунда лойиҳанинг нояшовчанлиги хавфи туғилади. Мазкур масалани ҳал қилиш учун мұқобил материалларни таққослаш асосида молиявий таваккалчиликнинг умумий миқдорини аниқлаш зарур.

Инвестиция таваккалчилигига, шу жумладан молиявий инвестицияларга баҳо бериш стандарт математик воситалардан фойдаланиши нүктай назаридан әңг типик ва пухта ишлаб чиқылған таваккалчилик турларига баҳо бериш усууллари деб ҳисобланади.

Инвестиция таваккалчиликнинг сурункали ва сурункасиз туркүмлари мавжуд. Сурункали инвестиция таваккалчилиги мамлакатдаги умумий іқтисодий ва сиёсий вазият, ресурслар нархининг ўсиши, барча молиявий активлар нархларининг тушиши билан боғлиқ. Фоиз ставкасининг ўзгариши, умумий бозор нархларининг тушиши, инфляция билан боғлиқ таваккалчиликлар сурункали таваккалчиликлар туркумига киради.

Сурункасиз таваккалчиликлар туркумига ликвидлилік таваккалчилигі, тармоқ таваккалчилигі, инвестиция обьекти бўлган корхонанинг молиявий таваккалчилиги киради. Ликвидлилік таваккалчилиги сотиб олинган қимматли қоғоз ёки бошқа активни бозорда реализация қилиш чўзилиб кетиши билан боғлиқ. Тармоқ таваккалчилиги іқтисоднинг мазкур тармоғида ишларнинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ.

Эмитент-корхонанинг молиявий таваккалчилиги молиявий инвестициялар керакли қимматли қоғозларни харид қилиш йўли билан амалга оширилган тақдирда аниқланади. Эмитент-корхона-нинг молиявий таваккалчилиги қимматли қоғозлар эмитентининг норентабеллиги ёки банкроглиги натижасида зарар кўриш хавфи деб таърифланади.

Молиявий инвестициялар таваккалчилиги деганда пулларни қимматли қоғозларга жойлаштириш таваккалчилиги, операцияларни змалта оширишдан зарар кўриш ёки кутилаётган фойдани олмаслик эҳтимоли тушунилади. Тўғридан тўғри инвестицияларда кўрилиши мумкин бўлган заарлар ҳажми одатда венчур капиталининг ҳажмига teng. Протфель инвестицияларида кўриладиган зарар ҳажми одатда сарфланган капитал миқдоридан кам бўлади.

Кўрилиши мумкин бўлган заарнинг әңг катта миқдори ва инвесторнинг ўз молиявий ресурслари ҳажмининг нисбати тавак-

калчилик даражасини кўрсатади, бу таваккалчилик коэффициенти ёрдамида ҳисобланади:

$$K_2 = \frac{Q_m}{P} - \text{максимал имконият даражасидаги зарар миқдори}$$

Р - (хусусий) молия ресурслари ҳажми

Бозор конъюнктурасини ўрганишнинг фундаментал усулалири ёрдамида сурункали инвестиция таваккалчилигини анча аниқ прогноз қилиш мумкин. Конъюнктурани таҳлилдан ўтказиш бозорнинг ҳолатини кузатиш ва унинг ривожланишини прогноз қилиши назарда тутади. Бозорни кузатиш, унга баҳо бериш ва ундаги ҳаракатларда тенденцияларни аниқлаш “мониторинг” тушунчаси билан бирлаштирилган.

Таваккалчилик омилини эътиборга олиш инвестор томонидан маълум ҳақ олинишига асосланади. Молия менежментида тажрибали инвесторлар таваккалчилик учун ҳақ тўлашни талаб этади, бу ҳақ қўйидаги формула билан ҳисоблаб чиқарилади:

$$K = i_c + i_b,$$

бу ерда  $K$  – талаб этилган даромад нормаси;

$i_c$  – даромаднинг таваккалчиликтан холи нормаси;

$i_b$  – таваккалчилик ҳақи.

Мазкур қоида инвестиция таваккалчилигини ҳисобга олишда, яъни пулнинг қадрсизланишини ҳисобга олишда қўлланади.

$$i_{min} = (1+K_n)(1+U)$$

$i_{min}$  – зарур даромадлилик нормаси;

$K_n$  – зарур даромадлилик даражаси;

$U$  – инфляция.

Инвестициялашнинг муҳим қоидаси қимматли қофозларга қўйилмалардан олинган даромад инвесторнинг таваккалчилигига тўғри пропорционал бўлишини назарда тутади. Қимматли қофозларнинг даромадлилиги билан тегишли таваккалчилик ўртасида тўғридан тўғри алоқа мавжудлигини жаҳон статистикаси ҳам тасдиқлади. Таваккалчилиknинг тўлиқ истисно этилиши корхоналарнинг молиявий фаолиятида жуда кам учрайдиган ҳодиса.

Таваккалли қимматли қоғозлар - Кафолатли қимматли қоғозлар  
бүйича даромал бүйича даромал

Таваккал қиймати =

Үртача даромаддан таваккалли қимматли  
қоғозлар бүйича даромалнинг ўртача оғиши

## 2.10. Молия менежментида солиққа тортишнинг аҳамияти

Солиққа оид қонун ҳужжатларини, айниқса, даромаддан оли-  
надиган солиқларни яхши билиш молия менежменти учун ўта му-  
ҳим аҳамиятга эга. Молия менежери:

- солиқ тузилмасининг принциплари ва мезонларини;
- солиққа тортиладиган даромадни ҳисоблаш усуликасини;
- иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини рағбатлантириди-  
ган ёки рағбатлантирумайдиган имтиёзлар ва санкцияларни;
- солиқ ставкалари даражасини, уларнинг турли тижорат ту-  
зилмалари учун бир хиллаштирилган ёки табақалаштирилган хусу-  
сиятини;
- солиқ рағбатлантирувчи роль ўйнаши учун йўл қўйилган  
чегара миқдорини ва корхонадан олинадиган даромад солиқлари-  
нинг даврийлигини;
- мазкур солиқнинг бошқа бюджетга ва бюджетдан ташқари  
фондларга ажратмалар билан мувофиқлаштирилганлигини;
- амалдаги қонунлар доирасида солиқни қисқартириш имко-  
нини берадиган усувларни билиши керак.

Маҳаллий бошқарув органларининг молия ходими амалдаги  
қонун ҳужжатларида қандай солиқ имтиёzlари мавжудлигини яхши  
билиши ва барқарор ижтимоий-иктисодий фаолиятни таъминлаш  
учун улардан мумкин қадар тўлиқ фойдаланиши лозим.

Солиқ имтиёzlарини уларнинг рағбатлантирувчи йўналиши-  
га қараб гурухлаш мумкин:

- моддий соҳани илмий-ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан  
ривожлантириш ва ўй-жой қурилишини ривожлантиришга кўмак-  
лашувчи солиқ имтиёzlари;
- кичик бизнесни (айниқса, унинг дастлабки босқичида), шу-  
нингдек иқтисоднинг ижтимоий муҳим тармоқлари, масалан, қиши-  
лоқ ҳўжалигини катта солиқлардан ижтимоий муҳофаза қилувчи  
имтиёzlар;

- ижтимоий муҳофазани таъминловчи, жумладан ишлаб чи-  
қаришта пенсионерлар, ногиронлар, ёшлар, кўп болали оналар ва

бошқаларни жалб этувчи, хайрия фаолиятини рағбатлантирувчи имтиёзлар;

- бошқа солиқ имтиёзлари, шу жумладан чет эл фирмалари ва құшма корхоналарнинг фаолиятини ташкил этувчи солиқ имтиёзлари.

Бириңчи туркүмга мансуб имтиёзлар молия менежменти учун, айниқса, инвестция лойиҳаларини танлаш ва прогноз қилишда мұхимдир.

## 2.11. Амортизация

Амортизация – бу асосий фондларнинг мунтазам йигилиб борадиган эскиришининг қыймат ифодасы, яғни тегишли активлар қыйматини оддий ва кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариштыр.

Амортизация – хұжалик фаолиятининг барча босқычларда тақрор ишлаб чиқариш ва фан-техника тараққиётининг мұхим мәнбаидир.

Хисобланадиган амортизация ҳажми барқарор катталикларға – асосий воситалар, номоддий активларнинг ўртача йиллик қыйматига ва қонун ҳұжжатлари билан белгиланадиган амортизация нормаларига бағыл. Бириңчи ва иккінчи күрсаткышлар – ҳисобланадиган амортизация миқдори бағыл ғылыми оғылдардир. Методологияк жиҳатдан улар жиддий тартибға солинган. Инфляция шарортларда асосий фондларнинг қыйматини ҳар йили индекслар өрдамида қайта күриб чиқып лозим.

Асосий фондлар қыйматининг ўзгариш индекси ахборот молия менежерига факт ҳисобтларда акс эттириш учун зemas, молиявий ресурсларнинг самарадорлигини режалаشتасынан, прогноз қилиш ва уларға бағыт беріш учун қам зарур.

Амортизациядан самаралы фойдаланиш фан-техника тараққиётини ривожлантириш учун молиявий рағбатлар яратади. Бундай рағбатлар жумласына қуйидагилар киради:

1. Жадал амортизация механизми;
2. Даромад солиғи имтиёзлари;

3. Асосий фондлар қыйматига ва давлат томонидан қонун ҳұжжатлари билан тартибға солинадиган амортизация нормаларига тузытиш киритиш;

4. Кичик ва ўрта бизнеснинг алохила тижорат түзилмалари учун амортизацияны ҳисоблаш ва ундан фойдаланишнинг мағсус тартибини жорий этиш.

Юқорида зикр этилган рағбатларни батағсил күриб чиқамиз.

1. Жадал амортизация деганда одатда амортизация ажратмалари нормасини икки баравар ошириш тушунилади, бинобарин, асосий фондларнинг ўзини оқлаш муддати икки баравар қисқаради, эски фондларни ҳисобдан чиқариш тезлашади, демак, янги фондларга молиявий кўйилмалар рағбатлантирилади. Жадал амортизация натижасида ўзини оқлаган асосий воситалар жисмонан эскирган бўлмаса ҳам, уларни ҳисобдан чиқариш ишлаб чиқаришга фан-техника инқилоби шароитларида мунтазам пайдо бўлаётган янада самарали техникани жорий этиш имконини беради.

Шундай қилиб, жадал амортизациянинг мақсади ва вазифаси:

- 1) фан-техника тараққиётини мотивлаштириш;
- 2) фан-техника тараққиётини молиялаштириш учун маблағларнинг манбаларини икки баравар кўтпайтириш;
- 3) техниканинг маънавий эскириши натижасида кўриладиган заарларнинг олдини олишдан иборат.

2. Даромад солиги имтиёзлари асосий фондларни янгилашга капитал қўйилмаларни жалб этишда амортизациядан мажбурий тартибда ва тўлиқ фойдаланиш билан боғлиқ, чунки фақат шунда бир хил мақсадга йўналтирилган фойда даромад солигидан озод қилинади. Бу тўғридан тўғри инвестицияларни ривожлантиришга жуда катта туртки беради. Бунда амортизация фонди муҳим ўрин тутади.

3. Амортизацияни давлат томонидан тартибга солиш муҳим аҳамиятта эга. Инфляция омилини ҳисобга олиш ва уни силлиқлашдан ташқари, бу молиявий таъсир кўрсатиш чоралари у ёки бу тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ривожлантиришда ягона техникавий сиёсатни белгилаб беради.

## **2.12. Хўжалик юритишни молиявий таъминланиш**

Молия ресурсларининг ҳаракати негизида капиталнинг ҳаракати ётади, шунинг учун ҳам капиталнинг айланиши ва пул ҳаракати билан боғлиқ муносабатлар молия менежменти усувларининг мазмунини ташкил этади. Молия менежменти усувлари легандада муайян мақсадга эришиш учун бошқарув обьектига пул муносабатларининг таъсир кўрсатиши усувлари тушунилади. Таъсир йўналишларига қараб молия менежментининг усувларини кўйидагича гурухлаш мумкин:

- 1) пул маблағларини ўтказиш усувлари;
- 2) капитал ўсиши учун уни жойлаштиришга йўналтирилган усувлар;

- 3) спекулятив хусусиятга эга усуллар;
- 4) капиталнинг катта даромад келтириш лаёқатини сақлаш усуллари.

Пул маблагларини ўтказиш усуллари харид қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳисоб-китоб қилиш усулларини билдиради. Мазкур товарларнинг олди-сотдиси билан боғлиқ пул муносабатлари уларнинг негизини ташкил этади.

Капитал ўсиши учун уни жойлаштириш – бу капитални узоқ муддатли жойлаштириш билан боғлиқ инвестиция битими. Шунинг учун ҳам капитални жойлаштириш усуллари мазкур капитал ҳисобидан унинг ўсиши кўринишида даромад олишни назарда тутади.

Спекулятив операция сотиш ва харид нархлари (курслари)даги тафовут, қарз олиш ва кредит бериш фоизларидаги тафовутлар кўринишида даромад олиш бўйича қисқа муддатли битим демакдир.

Капиталнинг катта даромад келтириш лаёқатини сақлаш усуллари деганда таваккалчилик ва хўжалик вазиятининг ноаниқлиги шароитида капиталнинг ҳаракатини бошқариш усуллари тушунилади.

### **Пул маблагларини ўтказиш**

**Кредит карточкаси (қарз варақаси)** – банк ёки маҳсус кредит муассасалари томонидан чиқарилган ёзма пул ҳужжати. У тегишли муассасанинг счёти борлиги ва хизматларни нақд пулсиз амалга оширишига кафолат беради. Мижоз кредит карточкасини кўрсатиб савдо ва хизмат кўрсатувчи корхоналар счётига кўл қўяди. Ҳисоб-китоблар эса ўша кредит карточкасини чиқарган муассасалар томонидан амалга оширилади. Кредит карточкасини чиқарган муассаса ундан фойдаланаётган шсхалардан тўловлар олиб турали.

**Дебит карточкаси** – банклар товар ва хизматларга ҳақ тўлаш, банкоматлардан нақд пуллар олиш учун ўз омонатчиларига берадиган тўлов-ҳисоб-китоб ҳужжати. Карточка эгасининг ҳисобварагидаги пул миқдори дебит карточкасига кодлаширилган бўлади. Дебит карточкалари бўйича ҳақ тўлашда тўловчининг карточкадаги кодлаширилган пул миқдоридан тегишли сумма бевосита чиқариб ташланади.

**Смарт-карта** – микропроцессор ўрнатилган пластик карточка, унинг дебит карточкасидан фарқи шунда. Смарт-карта тез ҳисоб-китоб қилиш имконини беради, чунки эмитент банки билан телефон орқали алоқа боғлашни талаб этмайди.

**Тўлов топшириқномаси** – хўжалик юритувчи субъектнинг ўз ҳисобварагидан бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобвара-

ғига маълум пул суммасини ўтказиш тўғрисидаги топшириғи. Тўлов топшириқномалари томонларнинг келишувига кўра муддатли, узоқ муддатли, муддати узайтирилган бўлиши мумкин.

**Тўлов талабномаси – топшириғи** – сотувчининг харидорга кўйтан шартнома бўйча етказиб берилган товарлар учун ҳақни унга тақдим этилган ҳисоб-китоб ва юқ ҳужжатларига асосан банкни четлаб ўтиб тўлаш ҳақида талаби ифодаланган ҳисоб-китоб ҳужжати. Тўловчи, имкониятни аниқлаб, унга хизмат кўрсатувчи банкка сотувчининг ҳисобварағига акцептланган суммани ўтказиш учун бу ҳужжатни топширади.

#### Молия менежменти усуслари

Пул маблағларини ўтказиш	Капитал ўсиши учун уни жойлаштириш	Спекулятив операциялари	Капиталнинг катта даромад келтириш лаёкатини сиқлаш
<p>кредит карточкалари дебит карточкалари смарт-карталар тўлов топширик- номаси тўлов талабномаси – топшириғи иккредитив чек билан ҳисоб-китоб клиши банк ўтказмаси очиқ счёт бўйича ҳисоб- китоблар никадсо траенефт</p>	<p>денозит омонатлар жорий пожара рента лизинг селеинг траст инжиниринг транспир франчайзинг эккаутинг бенчмаркт молиявий кредит ренинжениринг фирма кредити факторинг форфейтинг очиқ счёт бўйича кредит векселли кредит акцепт кредити овердрафт шанин ўзи кредитлаш</p>	<p>репорт депорт курс тағовуслари билиш операциялар СвоII операциялари валюта арбитражи фонд арбитражи валюта чайковчилиги лидз энд легз</p>	<p>Сукурта хежирлантириш таров шпотека қимматбаҳо металларни тезаврация қилиш живерентика- ция лимитлаш қўшимча ахборотни эгаллаш ўзини ўзи сугурта қилиш</p>

**Аккредитив** – маҳсулот олувчининг тўламай қолиши ёки ўз вақтида тўламай қолишидан экспорт қилувчини ҳимоя қиласидаган ҳужжат. Жўнатилган маҳсулотларга ҳақ тўлаш бўйича барча мажбуриятлар тўлалигича аккредитивни очган банк зиммасига ўтади. Аккредитивни очиш бўйича сарфланган барча харажатларни одатда маҳсулот олувчилар тўлайди. Чақириладиган, чақирилмайдиган, тасдиқланган, тасдиқданмаган, ўтказиладиган, айланувчи (қайта тикланадиган), қопланган, қопланмаган аккредитивлар тафовут этилади.

**Чек билан ҳисоб-китоб қилиш.** Чек – қимматбаҳо қофознинг бир тури: қонунчиликда кўрсатилган шаклга эга маҳсус пул ҳужжати. Чекни имзолаганнинг жорий ҳисобидан муайян суммани бериш ёки бошқа ҳисобга ўтказиш ҳақида топширик. Чек тўлов жараёнини тартибга солиш мақсадида қўлланади.

**Инкассо** – банк ҳисоб-китобларидаги баъзи тўловларни амалга оширувчи маҳсус операция. Масалан, маҳсулот сотувчи корхоналар молларни тегишли (савдо) ташкилотларига жўнатгандан кейин ўша мол ҳужжатларини банкка қўяди. Мана шу тартибда ҳужжатларнинг банкка қўйилиши инкассо деб юритилади. Инкассо жараёнлари тартибини давлат банки белгилайди. Инкассо халқаро ҳисоб-китобларда жуда кент қўллананилади.

Банк ўтказувчи, очиқ счёт бўйича ҳисоб-китоблар – бу фавқулодда импорт операциялари учун ҳисоб-китоб қилиш шаклларидир.

### ***Капитал ўсиши учун уни жойлаштириш***

**Кредитлашнинг уч тури мавжуд:**

1.Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини пул маблағларини тўғридан тўғри бериш йўли билан кредитлаш (молиявий кредит).

2.Ҳисоб-китобларнинг бир тури, яъни муддати кечиктирилган ҳисоб-китоблар кўринишида кредитлаш (тижорат кредити).

3.Бир томон иккинчи томонга буюмни мулк қилиб бериши кўринишида кредитлаш (товар кредити).

Таъминланишига қараб банк кредитлари, яъни таъминланмаган кредитлар ва таъминланган кредитлар тафовут этилади. Таъминланган кредитлар вексель кредитлари (векселни харид қилиш ёки гаровга қўйиш), товар кредитлари, фонд кредитлари (қимматли қофозларни гаровга қўйиш), ипотека кредитлари (кўчмас мулкни гаровга қўйиш)га бўлинади. Қайтариш хусусиятига қараб бирвакай қайтариладиган ва бўлиб-бўлиб қайтариладиган кредитлар тафовут этилади.

**Факторинг** – энди фаолият бошлаган кичик ва ўрта фирмаларга молиявий ёрдам кўрсатишга қаратилган хизматнинг энг замонавий кўринишларидан бири. Факторинг қуидаги асосий қоида асосида иш юритади: фирма ўз мижозларидан уларнинг ўз мижозларига бўлган талабларини сотиб олади ва икки-уч кун ичидаги мижозларнинг 70-90 фоизи талаби учун аванс тўлайди. Мижоз қолган 30-10 фоиз талаб учун ҳақни ўз мижозларидан пул келиб тушганидан кейин олади. Бу шаклдаги хизмат экспортчига жўнатган моли учун юз фоиз ҳақ олиш кафиллигини беради.

**Форфейтинг** деганда ташқи савдони векселни сотиб олиш йўли билан молиялаштириш тушунилади. Бунда векселни сотиб оловчи тўловчининг тўлай олмаслик хавф-хатарини тўлиқ ўз зиммасига олади.

Айтайлик, тижорат банки ўз мижози бўлган товар сотувчисининг векселини сотиб олди. Тўлов муддати келган пайтда согувчи векселда кўрсатилган суммани тўлай олмай қолди, дейлик. Бунда банк векселни сотган корхонага ўз эътирозини билдира олмайди. Чунки вексель форфейтинг шаклида тўлиқ сотиб олинган эди.

**Очиқ счёт орқали кредит** бериш усулининг мазмуни шундаки, харидор товарга буюртма бериши биланоқ у юклаб жўнатилади, тўлов эса белгиланган муддатларда вақти-вақти билан амалга оширилиб борилади. Бунда харидор ҳар гал товар олишда кредитни расмийлаштириб ўтирумайди, яъни кредитта мурожаат қилмайди.

**Овердрафт** – қисқа муддатли кредитнинг бир шакли. Банк томонидан ўз мижози ҳисобидаги қолдиқдан кўп бўлган маблағни ҳисобдан чиқариши. Овердрафтда мижознинг жорий ҳисобига ёзиладиган қарзларни тўлаш учун барча сумма йўналтирилади. Шунинг учун қарзнинг ҳажми маблағ келиб тушиши билан ўзгариб туради.

**Депозит** – пул маблағлари ёки қимматли қоғозларни банкка сақлашга топшириш. Депозитлар банк кредит капиталини шакллантириш манбаидир. Депозитта банк ҳақ тўлайди. Депозит ҳисоб варакларидаги омонатлар бўйича фоизлар ёзилади.

**Траст операциялари** – ишончномага асосан бошқариш. Банкларнинг мижоз мулкини бошқариш операцияларини амалга ошириши ҳамда мижознинг топшириги билан ва унинг манфаатларида ишончли шахс ҳуқуқида бошқа хизматлар кўрсатиши. Мулкнинг эгаси траст муассиси ҳисобланади. Жисмоний шахс ёки тижорат ташкилоти ишончли бошқарувчи бўлиши мумкин.

**Рента** – капитал, облигация, мулк, кўчмас мулк ҳисобидан

мунтазам олиб туриладиган, олувчидан талбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни талаб этмайдиган даромад. Рентага доимий тўловлар оқими деб қарашиб мумкин. Рентанинг параметрлари:

- рента аъзоси — ҳар бир алоҳида тўлов миқдори;
- рента даври — икки изчил тўловлар ўртасидаги оралиқ;
- рента муддати — рентанинг биринчи давридан бошлаб сўнгги даврининг охиригача бўлган вақт;
- фоиз ставкаси — тўлов муддатининг кечиктирилганлиги учун олинадиган ҳақ.

**Ижара** — мулкий қарз бериш, Ўзбекистон Республикаси ФК билан тартибга солинади. Ижара деганда мол-мулкка шартнома асосида ҳақ эвазига муддатли эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш тушунилади. Мол-мулк ижараси жорий ижара бўлиб, қўйидаги шартларда амалга оширилади:

1.ижара шарти — ижарагирнинг вақтинчалик талабларини қондириш;

2.ижара муддати шартномада белгиланиб, мазкур муддат тутаганидан кейин мулк ижаракига қайтарилади;

3.мол-мулк ижаракининг мулки ҳисобланади;

4.ижараага олинган мулкнинг нобуд қилиниши ёки унга шикаст етказилиши хавфи шартнома шартларида белгилаб қўйилади.

**Лизинг** — машина, жиҳозлар, транспорт воситалари ва ишлаб чиқариш обьектларини узоқ муддатли ижарага олиш. Лизинг компаниялари юқорида зикр этилган воситаларни сотиб олиб, уларни ижаракиларга бир неча йилга фойдаланишга беради. Лизинг бир томондан ижаракининг вақтинчалик фойдаланилмай ётган фондларидан даромад олишини таъминласа, иккинчи томондан ижарагирга ишлаб чиқаришни нисбатан кам сармоя билан амалга ошириш учун имконият яратади. Лизинг шартномаларида ижарага бериллаётган жиҳоз ва воситаларни кейинчалик ижарагирга сотиш келишувлари ҳам ўз ифодасини топиши мумкин.

**Селинг** — лизинг турларидан бири. Селинг мулкий қарз шартномаси билан тартибга солинадиган мажбурият шакли бўлиб, мулкдорнинг ўз мулкидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳукуқини маълум ҳақ эвазига селинг-компанияга беришини назарда тутади. Бунда мулкдор фойдаланишга берилган мулкнинг эгаси бўлиб қолади ва талабга биноан қайтариши мумкин.

**Инжиниринг** — ишлаб чиқариш корхоналари, бирлашмалари ва обьектларини қуриш бўйича тижорат қоидаларига асосланган

муҳандислик-маслаҳат хизматлари. Инжиниринг обьектга жойланган капиталнинг самарадорлигини оширишнинг муҳим усулидир. Унга хизматларни экспорт қилиш (билим, технология, тажрибани бериш)нинг маълум шакли деб қаралади.

**Реинжиниринг** – бу хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатбардошлиги ва молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида унинг ишлаб чиқариш-савдо ва инвестиция жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш тизимларини қайта қуриш бўйича муҳандислик-маслаҳат хизматларидир. Инқизорзли реинжиниринг ва ривожланиш реинжиниринги тафовут этилади.

**Трансинг** – капитални тадбиркорликка дастлабки жойлаштиришдан олинган фойдан қимматли қофозларга жойлаштириш йўли билан иккиласмачи даромад олиш усули. Трансинг – капитал жамғаришнинг самарали усулларидан бири.

**Франчайзинг** – технология ва товар белгисига лицензияларни ўтказиш ёки сотиш тизими. Франчайзингнинг моҳияти шундаки, бозорда катта обрўга эга бўлган фирма ўз технологияси ва ўз товар белгиси билан фаолият қўрсатиш ҳуқуқини маълум шартларда истеъмолчиларга номаълум фирмага берали ва бунинг эвазига ундан маълум ҳақ (даромад) олади.

**Эккаутинг** – молиявий ахборотнинг ҳар хил турларини тўплаш, қайта ишлаш, таҳлилдан ўтказиш ва расмийлаштириш билан боғлиқ тадбиркорлик соҳаси.

**Бенгмаркинг** – бу бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг, шу жумладан ўз рақибларининг ижобий тажрибаси ва ютуқларидан ўз фаолиятида фойдаланиш мақсадида уларнинг фаолиятини ўрганиш усулидир. Моҳият эътибори билан бенгмаркинг – бу маркетинг ва молия разведкаси.

### **Спекулятив операциялар**

**Репорт** – муддатли битим, бунда қимматли қофозлар ёки валюта эгаси уларни биржада маълум муддатдан сўнг янги, нисбатан юқори нархда сотиб олиш мажбурияти билан банкка сотади. Сотиш ва харид нархи ўртасидаги тафовут кредит учун тўланадиган ҳақни ташкил этади. Бу тафовут ҳам “репорт” деб аталади. Репорт қимматли қофоз ва валюта қимматини оширишга йўналтирилади.

**Депорт** – репортта қарама-қарши муддатли операция. Депорт битими биржада курс тафовути кўринишида фойда олиш мақсадида қимматли қофозлар курси пасаяди деган умидда тузилади.

**Курс тафовутларига асосланган операциялар.** Хўжалик юритув-

чи субъектнинг валюта ҳисоб варагида валютада ва сўмда, яъни МБнинг операция амалга оширилган кунгача бўлган курсида юритилади. Ҳисобот даврининг якуни мусбат ёки манфий бўлиши мумкин.

**Своп** – икки субъект ўртасида мажбуриятлар ёки активларнинг тузилишини яхшилаш, хавф-хатарлар ва харажатларни камайтириш мақсадида бундай мажбуриятлар ёки активларни айирбошлиш бўйича валюта операцияси. Валюта свопи ва фоизли своп айниқса кенг тарқалган.

**Валюта арбитражи** – бу валюта курсларининг тафовутидан фойда олиш мақсадидаги валюта одди-сотди операцияси. Замондаги, макондаги валюта арбитражи, оддий ва мураккаб арбитраж турлари мавжуд.

**Фоиз арбитражи** – корхоналарнинг валюта (конверсия) ва депозит операцияларини ўзида мужассамлаштирган, турли валюталарнинг фоиз ставкаларидағи тафовутлар ҳисобидан фойда олиш мақсадида қисқа муддатли активлар ва пассивларнинг валюта тузилишини тартибида солишга йўналтирилган битим.

**Валюта чайқовчилиги** – валюта курсларининг вақтда ёки турли бозорларда ўзгаришидан фойда олиш мақсадида амалга ошириладиган операция.

**Лидз энд лэгз** – валюта операцияларининг молиявий ёки бошқа наф кўриш мақсадида ҳисоб-китобларнинг муддатларини бошқариш (тезлатиш ёки кечга суриш) билан боғлиқ тури. Лидз энд лэгз тўлов муддатлари ва шартларини ўзгартириш йўли билан шартнома томонларининг келишуви кўринишида расмийлаштирилади. Лидз энд лэгзнинг асосий шакллари:

1) товар ва хизматларга узоқ муддатли ҳақ тўлаш ёки тўловларни кечикириш;

2) тижорат операцияси муддатини ортга суриш ёки уни кредитта расмийлаштириш;

3) даромадларни репатриация қилиш, фоизлар, дивидендлар тўлаши ёки кредитларни қайтаришни жадаллаштириш (секинлаштириш). Репатриация қилиш – эмитент-мамлакатга чет элдан ўтказиш;

4) чет эл валюта маблағларини олувчи томонидан тушумни миллий валютага конверсия қилиш муддатларининг тартибида солиниши ва валюта таваккалчилигини суғурта қилиш операцияларининг шартларини бошқариш.

**Капиталнинг катта даромад келтириш лаёқатини сақлаш**

**Қимматбақо металларни тезаврация қилиш** – омонатларни жамғариш, яъни капитални жамғариш усулларидан бири. Олтинни тезаврация қилиш – олтин эгалари томонидан уни хазина ёки сугурта фонdlари күринишида жамғариш.

**Сугурта** – инсон фаолиятининг турли соҳаларида содир бўладиган табиий оғатлар, фавқулодда ҳодиса ва бошқа воқеалар натижасида етказилган зарар ҳамда талафотларни жисмоний ва юридик шахслар тўлаган сугурта балаллари (сугурта пули)дан ҳосил қилинадиган пул фонdlари ҳисобидан тўлиқ ва қисман қоплаш йўли билан жисмоний ва юридик шахслар манфаатлари суғурталанишини таъминлашга доир муносабатлар.

**Хежирлаштириш** – валюта таваккалчилигини сугурта қилиш; валюта курси ўзгарганда юз берадиган салбий оқибатларни туташибда қўлланиладиган усулларни ифодалаш учун банк, биржа ва тижорат фаолиятида кўп қўлланиладиган атама.

**Гаров** – мажбуриятни таъминлаш усули, бунда гаровни сақловчи кредитор қарздор мажбуриятларини бажармаган тақдирда мулкка эгалик қилиш ҳукуқини қўлга киритади.

**Ипотека** – бу кредиторнинг қарз олувчига нисбатан даъвосини таъминлаш учун мулкни гаровга қўйиш.

Молия менежерининг касбий ҳукуқ ва мажбуриятлари қўидагича гурухланади:

А) бюджет параметрларининг бажарилишини мунтазам назорат қилиш, даромадлар ва тушумни кўпайтириш, ҳаражатлар ва ажратмаларни мақбуллаштириш, даромадларни ҳаражатлардан ошириш ҳақида қайфуриш;

Б) режалаштириш, таҳлилдан ўтказиш, қарорлар қабул қилиш;

В) қўл остидаги хизматларда ишлайдиган ҳар бир ходимнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини белгилаш;

Г) молия хизмати ҳужжатларига имзо чекиш;

Д) ҳисобта олиш-таҳлилдан ўтказиш, инвестиция, тақсимлаш сиёсатида молиявий стратегияни ишлаб чиқиш ва белгилаш ва ҳ.к.

Рўйхатни давом эттириш ва тўлдириш мумкин. Молия менежери ташкилотчилик қобилиятига, одамлар билан муюмала қилиш маҳоратига эга бўлиши, молия ишининг самарадорлигини ошириш учун ишга доир муносабатларда бағрикент ва бардошли бўлиши керак.

## **Қисқача хуосалар**

1. Молия менежменти бошқариш тизими сифатида молия ресурсларининг ҳаракатини ва мазкур ҳаракат жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида юзага келадиган молиявий муносабатларни бошқаришни назарда тутади. Бу ҳаракат ва муносабатларни қандай қилиб самарали бошқариш мумкин, деган саволга жавоб молия менежментининг мазмунини ташкил этади. Молия менежменти - бу молияни бошқариш мақсадларини ишлаб чиқиш ҳамда молия механизмининг усуллари ва воситалари ёрдамида уларга таъсир кўрсатиш жараёнидир.

2. Молия менежменти бошқарув стратегияси ва тактикасини ўз ичига олади. Стратегия – бу қўйилган мақсаднинг умумий йўналиши ва мазкур мақсадга эришиш воситаларидан фойдаланиш усулидир. Мазкур усул қарорлар қабул қилишнинг маълум қоидалари ва чеклашлари тўпламига зга. Стратегия қарорнинг қабул қилинган стратегияяга энд бўлмаган вариантига эътиборни қаратиш имконини беради. Кўйилган мақсадга эришилганидан кейин стратегия мазкур мақсадга эришиш йўналиши ва воситаси сифатида ўз аҳамиятини йўқотади. Янги мақсадлар янги стратегияни ишлаб чиқишина талаб этади. Тактика - бу муайян шароитларда қўйилган мақсадга эришишнинг муайян усуллари ва усулларидир. Бошқаруш тактикасининг вазифаси хўжаликни юритишнинг айни вазиятида энг мақбул қарорни ҳамда бошқариш усуллари ва усулларининг энг мақбулларини танлашдан иборатdir.

3. Ҳар қандай бошқарув обьекти бу яхлит тузилма ҳосил қилалиган ўзаро таъсирга киришувчи элементлар мажмуудан ташкил топган тизимдир. Молия тизими кирадиган ижтимоий-иқтисодий тизимнинг асосий хоссаси шундаки, унинг негизида одамларнинг манфаатлари ётади. Ҳар қандай тизим элементлардан ёки айни тадқиқот шартларида тизимдан ажратиб бўлмайдиган кичик тизимлардан таркиб топади. Бинобарин, элемент ҳамиша тизимнинг таркибий қисми ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиясида мазкур субъект таркибий бўлимининг молиясига тизимнинг ажralmas элементи деб қаралади.

4. Молия менежментида энг муҳими – бошқарув обьектининг молиявий манфаатларига жавоб берадиган мақсадни тўғри қўйишдир. Молия менежменти жуда жўшқин жараён. Унинг иш самародорлиги молия бозори, молиявий вазият ва бошқарув обьектининг

молиявий ҳолатидаги ўзгаришларга тез мослаша билишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун ҳам молия менежменти бошқарувнинг стандарт усусларини билишга, муайян молиявий вазиятга тез ва тўғри баҳо бера олишга, вазиятдан чиқишнинг мақбул йўлини тез топиш қобилиятига асосланиши лозим.

5. Молия менежменти бошқарипи органи сифатида бошқарув аппарати, яъни хўжалик юритувчи субъектни, маъмурий минтақани бошқаришнинг бир қисми (маҳаллий бошқарув) кўринишида бўлади. Молия менежменти тадбиркорлик фаолиятининг шакли сифатида молиявий фаолиятни соф маъмурий, буйруқбозлиқ йўли билан бошқарип бўлмаслигини кўрсатади. Молия менежменти атроф мухитдаги ўзгаришларга фаол эътибор берадиган ижодий фаолиятни назарда тутади.

6. Молия механизми деганда молия ресурсларини ташкил этиш, режалаштириш ва улардан фойдаланишида ўз ифодасини топувчи молиявий воситаларнинг таъсири тизими тушунилади. Молия механизмининг тузилишига бешта ўзаро боғлиқ унсурлар: молиявий усувлар, молиявий воситалар, ҳукуқий таъминот, норматив таъминот ва ахборот билан таъминлаш киради.

7. Маҳаллий бошқарув органининг молия менежери кўчмас мулкни баҳолаш усувларини яхши билиши лозим, чунки маҳаллий бошқарув органлари ўз ихтиёридаги кўчмас мулкни ижарага бериши, сотиши мумкин. Кўчмас мулкнинг қийматига турли омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллар муттасил ўзгариб туради, шунинг учун ҳам кўчмас мулкнинг баҳоси фақат маълум санагача амалда бўлади. Кўчмас мулкнинг бозор баҳосига бўлғуси иқтисодий шароитларнинг инъикоси деб қаралади.

8. Молия менежментида жорий сарф-харажатларни бошқариш ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига боғлаб ўрганилади. Молия менежерининг вазифаси айланма капиталнинг мақбул даражасини аниқлашдан иборат. Агар айланма капитал миқдори паст аниқланган бўлса, корхонада ҳамиша пул маблағларининг тақчилиги сезилади, ликвидлилик даражаси паст бўлади, натижада ишлаб чиқариш жараёнида узилиш содир бўлади, даромадлар бой берилади. Жорий активлар жорий мажбуриятлардан қанча кўп бўлса, корхонанинг ликвидлилиги шунча катта бўлади. Аммо айланма маблағларга бўлган мақбул эҳтиёжга нисбатан бундай маблағлар кўпайиб кетса, бу уларнинг айланувчанлиги сусайишига олиб келади ва даромад миқдорини камайтиради.

Шундай қилиб, айланма маблағларни бошқариш стратегияси корхонанинг тұлашга лаёқатини таъминлашға ҳамда айланма маблағларнинг мақбул ұжымы ва тузилишини аниқлашға асосланади.

9. Ҳар қандай хұжалик фаолиятini амалға оширишнинг вазиятга боғлиқ томони бўлиб, шу фаолиятнинг охири нима билан туғаши ноаниқ, омад юришмаса, оқибатда зарар кўриш мумкин. Таvakkalchilik fойдадан маҳрум бўлиш ва бошқа сабабларга кўра зарар кўриш сингари ёмон оқибатлар рўй бериши эҳтимоли билан ифодаланади. Молиявий тавакkalchilikни бошқаришдан мақсад - қандай шароитда бўлмасин, фойданинг минимал даражадан паст бўлишига йўл кўймаслиқдир.

Таъсир кўрсатиши обьектига қараб молиявий хавф-хатарлардан ҳимоя усулыари икки хил бўлади: жисмоний ҳимоя, иқтисодий ҳимоя. Жисмоний ҳимоя деганда сигнализация воситалари ўрнатиш, сейфлар сотиболиш, маҳсулот сифатини назорат қилиш системаларини ўрнатиш, кўриқлашни таъминлаш ва ҳоказолар тушунилади. Иқтисодий ҳимоя қўшимча харажатлар даражасини прогноз қилиш, кўрилиши мумкин бўлган зарарнинг оғирилиги даражасига баҳо бериш, хавф-хатарларни ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш учун молия механизмидан фойдаланишини назарда тутади.

Тавакkalchilikни бошқаришнинг тўрт усули маълум: тавакkalchilikни огоҳлантириш, зарар кўрилишининг олдини олиш ва назорат қилиш, сугурталаш, зарарни қоплаш.

Молиявий тавакkalchilik масаласини ҳал қилишнинг мұайян воситасини таңлашда инвестор қўйидаги принциплардан келиб чиқиши лозим:

- ўз капиталининг имкониятлари доирасидагина тавакkal қилиш керак;
- камни деб кўп билан тавакkal қиласлик керак;
- тавакkalchilik оқибатларини олдиндан кўра билиш зарур.

## **Мұхокама ва назорат қилиш учун саволлар**

1. Молия менежментининг қайси турлари ва босқичларини биласиз?
2. Молия менежментининг функцияларини санаб беринг.
3. Молия менежменти бошқарув комплекси сифатыда қандай күриништа этілді?
4. Молиявий механизм түшүнчесини таърифлаб беринг.
5. Молия ресурслари ва капиталини бошқаришнинг асосий усулларини тавсифлаб беринг.
6. Даромад көлтирадиган күчмас мүлк қандай бағоланади?
7. Корхонанинг жорий харажатларини бошқариш амалиётла-рига нималар киради?
8. Айланма маблағларни бошқаришга нималар киради?
9. Нима учун молиявий таваккалчиликни бошқариш зарур?
10. Молия менежери солиққа тортишнинг хусусиятларидан қандай фойдаланади?
11. Амортизация нимага хизмат қиласы?
12. Хұжалик юритиш жараёнини молиявий таъминлашта нималар киради?

### **Ассоций адабиётлар:**

1. «Государственные и муниципальные финансы». М., «Финансы». 1999.
2. Грачева Е.Ю., Соколова Э.Д. «Финансовое право». М., «Новый юрист». 1998.
3. Грачева Е.Ю., Соколова Э.Д. «Налоговое право». М., «Новый юрист». 1998.
4. «Финансовый менеджмент». Под ред. Поляк. М., «Финансы». 1997.
5. «Экономика общественного сектора — основы теории государственных финансов». Под ред. Якобсона, М., «Аспект-Пресс». 1996.

### III боб

## Минтақа миқёсида бюджет ресурсларини бошқариш

### 3.1. Маҳаллий миқёсда молиявий сиёсат

Маҳаллий субъект миқёсида молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш маҳаллий молия менежментида алоҳида аҳамиятга эга. Ялпи миллий маҳсулот айнан минтақаларда ишлаб чиқарилади, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ҳам шу ерда содир бўлади ва улар биргаликда бутун давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини белгилайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда маҳаллий тузилмаларнинг ваколатлари ва маҳаллий тузилмалар ҳақидаги қонунчилик ривожланмаганлиги туфайли маҳаллий миқёсда молиявий сиёсат ишлаб чиқилмайди. Бундай шароитларда минтақаларнинг молиявий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш усуллари ва механизmlарининг аҳамиятини тушуниш ва уларни билиш алоҳида аҳамият касб этади. Жамиятда демократлаштириш жараёнларининг янада ривожланиши ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ваколатларнинг берилиши мазкур масаланинг аҳамиятини янада оширади.

Мавжуд иқтисод назариясини ўрганиш минтақа миқёсида молия сиёсатининг мақсади минтақа аҳолисининг бюджетдан таъминланганлигини ошириш, аҳоли жон бошига даромадлар миқдорини кўпайтириш ва мазкур минтақада турмуш даражаси ижтимоий меъсрларини таъминлашдан иборат эканлигини кўрсатади. Табиийки, бундай меъсрларни ишлаб чиқиш ва уларни таслиқлаш масаласи кўндалант бўлади. Бундай меъсрларнинг умумдавлат меъсрлари билан ўзаро алоқаси алоҳида аҳамиятга эга.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди жуғрофий нуқтаи назардан анча бир хиллигига қарамай, меъсрлар Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона водийси вилоятлари, Бухоро, Жizzах вилоятлари ва бошқа вилоятлар учун бир хил бўлиши мумкин эмас.

Минтақавий меъсрлар ва умумдавлат меъсрларининг ўзаро алоқаси зарур, чунки минтақаларнинг бир қисми муқаррар равишда молия ресурсларининг донорлари, бир қисми эса – уларнинг рецепционистлариидир. Донор-минтақалар, табиийки, молия ресурсларининг нисбатан катта ҳажмига эгалиги туфайли, ўзлари учун нисбатан катта меъсрларни ўрнатиш имкониятига эга бўладилар.

Бу ҳозирги вақтда мавжуд бўлмаган, вазифаси Ўзбекистон Республикасининг барча минтақалари учун юқорида зикр этилган меъёрларнинг ҳамда уларни ҳисоб-китоб қилиш усуликаларининг чегараларини белгилашдан иборат бўлган қонун хужжатларини тайёрлашни талаб этади.

Бундай ижтимоий меъёрларсиз Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлиқни сақлаш, таълим соҳасидаги конституцияий ҳуқуқларини ва бошқа турмуш шароитларини таъминлаш мумкин эмас. Бундай ижтимоий меъёрларнинг мавжуд эмаслиги маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий ҳолатига ва молиявий фаолиятининг натижаларига баҳо беришнинг объектив мезонлари ҳам йўқлигини билдиради. Масалан, маҳаллий бюджетнинг даромад қисми прогнозга нисбатан 120% га бажарилиши, аммо аҳолининг турмуш даражаси меъёрларда белгиланганига нисбатан пасайиши мумкин. Ва аксинча, бир ҳил харажатлар миқёсида бюджет маблағлари оқилона сарфланган тақдирда меъёрларни таъминлаш даражаси кўтарилиши мумкин.

Ресурслар билан таъминлаш минтақа молия сиёсатини ишлаб чиқишининг ажралмас қисмидир. Макроиқтисодиёт нуқтаи назаридан минтақаларнинг ишлаб чиқариш кучлари, шу жумладан меҳнат ёшидаги аҳоли сони, минтақа ҳудудидаги корхоналарнинг асосий фонdlари, унинг табиий ресурслари, минтақа хусусий молиявий капиталининг миқдори, минтақа молия инфратузилмасининг ривожланганлиги молия сиёсатининг ресурсларидир.

Ишлаб чиқариш кучларининг юқорида зикр этилган унсурларини ишлаб чиқариш жараёнида ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳар қандай минтақанинг товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш манбай ҳисобланган, барча молиявий оқимларни – ҳам тапқи, ҳам ички молиявий оқимларни жамлайдиган иқтисодини вужудга келтиради. Мазкур оқимлар маҳаллий тузилмалар бюджетларининг даромад қисмларини тўлдиришнинг солиқقا тортиладиган негизини ташкил этади.

Бинобарин, молиявий сиёсатни ишлаб чиқища маҳаллий бошқарув органларининг молия органлари иқтисоддаги барча ижобий ва салбий силжишлар (иҳсизликнинг ўсиши ёки қисқариши, маҳсулот ишлаб чиқарishнинг ўсиш суръатларининг ошиши, инвестициялар ҳажми ва уларнинг манбалари, қувватларнинг юклanganлиги)га, шунингдек табиий салоҳият, молия ресурсларининг ташкил оқимларига тўлиқ баҳо беришлари лозим.

Минтақанинг жамғарилган молия капитали миқдорини (банклар ва қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг активлари, сугурта компанияларининг захира фондларини), шунингдек кредит, сугурта ва инвестиция ташкилотларида ишила ётган мутахасисларнинг кадр салоҳиятини тўғри баҳолаш муҳимдир. Минтақанинг молиявий инфратузилмаси минтақа ресурсларининг муҳим турларидан бири ҳисобланади, чунки ишлаб чиқилиган молиявий сиёсатни амалга ошириш айнан молиявий инфратузилма ташкилотлари ва муассасалари орқали таъминланади.

Маҳаллий бошқарув органининг молия менежери ягона молиявий сиёсатни амалга оширишда идора ичидаги тўсиқларни англаб, улардан ўта олиши ҳам керак. Ҳудудий молия органларидан ташқари, назорат-тафтиш бошқармаси, сугурта назоратининг ҳудудий бўлимлари ҳам фаолият кўрсатади. Бу органлар ўз муаммолари ни ҳал қилишда ўзларига вертикал тобе бўлган органларга мустақил чиқадилар. Амалда бу амалга оширилаётган молия сиёсатининг унумдорлигини пасайишига олиб келиши мумкин.

Молия сиёсатини амалга ошириш йўллари қўйидаги асосий вазифаларни ҳал қилишни назарда тутади:

- маҳаллий тузилма бюджетининг даромад қисмини етарли миқдорда таъминлаш ва маҳаллий бошқарув органи ваколатлари доирасида ақлга мувофиқ солиқ сиёсатини амалга ошириш;
- олинган даромадларни оқилона тақсимлаш ва самарали бюджет сиёсатини амалга ошириш;
- мустақил кредит сиёсатини амалга ошириш;
- сугурта соҳасида сиёсатни шакллантириш;
- қимматли қоғозлар бозорида минтақавий сиёсатни ишлаб чиқиш.

Ҳокимият органларининг ва бозор иштирокчиларининг манфаатларига жавоб берадиган, иқтисод реал секторининг молиявий ҳолатини яхшилайдиган, минтақа бюджетига ва юқори бюджетларга солиқлар ва йигимларнинг тушишини барқарорлаштирадиган солиққа тортиш шароитларини яратиш солиқ сиёсатининг муҳим вазифасидир.

Олинган даромадлардан оқилона фойдаланиш, яъни бюджет сиёсатини такомиллаштириш қўйидагиларни назарда тутади:

- маҳаллий ҳокимият органларини ўз ҳудудида даромадларни оширишига рағбатлантирадиган шарт-шароитларни яратиш;
- минтақавий ва маҳаллий бюджетларни ижтимоий меъёрлар

асосида тузишга ўтиш ҳисобига мазкур бюджетларнинг харажатлар қисмини шакллантириш тартибини тубдан ўзгартириш;

- бюджетлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш.

Бюджетларнинг харажатлар қисмини ижтимоий меъёрлар асосида тузишга ўтиш бозор иқтисодига ўтиш ислоҳотларини амалга ошириш даврида юзага келган катта камчилик — харажатлар қисмини эришилган даражадан келиб чиқиб тузишдан воз кечиш имконини беради.

### **3.2. Минтақа миқёсида бюджет ресурсларини бошқаришни мақбуллаштириш**

Харажатларни минимумга келтирган ҳолда юксак самарадорликка эришиш имконини берадиган бюджет фаолияти механизмиларини ишлаб чиқиш бюджет молия менежментининг асосий визифаларидан биридир.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг мақоми билан боғлиқ масалалар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаганилиги бюджет мажбуриятларини белгилашга халақит беради. Ўзбекистон Республикаси мустақилликни кўлга киритганидан кейин ўтган ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида ҳали АҚШ ва Фарбий Европадагига ўхшаш тўлақонли маҳаллий тузилмалар тармоғи вужудга келтирилганий йўқ.

Шунга қарамай, харажатлар ва даромадларни шакллантириш ваколатларини давлат бошқарувининг минтақавий бўғинларига беориши тенденцияси кўзга ташланади. Бу кучли марказлашган ҳукуматта эга унитар давлатларга хосдир. Бу объектив жараён бўлиб, давлат ҳокимиини қарорларни қабул қилишда аҳолининг иштирокини кучайтириш, давлат хизматларининг сони, сифати ва тузилишини бу хизматлардан фойдаланувчиларнинг ҳоҳиш-истакларига яқинлаштириш томонга ўзгартириши умумжаҳон тенденциялари билан боғлиқ.

XX асрнинг 70-80-йилларида кўпгина Европа мамлакатлари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллигини ошириш мақсадида ваколатлар ва мажбуриятларни турли ҳокимият бўғинлари ўртасида тақсимладилар.

Бюджет федерализмининг асосий принципи шундаки, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир субъекти ўз бюджетига эга бўлади ва ўзига биринкирсан юз бюджет ваколатлари доираси қонун ҳужжатларига қатъий мувофиқ равишда фаолият кўрсатади.

Марказ билан молиявий муносабатларда барча субъектлар тенг хукуқлидир. Мазкур ўзаро муносабатларнинг шакллари келишувга асосан ўзгартирилиши мумкин. Фаолият ва жавобгарлик соҳалари, у ёки бу миқёсдаги бюджетлар ҳисобидан харажатларни молиялаштириш соҳалари марказ билан субъектлар ўртасида чегараланали. Ҳар бир миқёсдаги бюджет ўз молиялаштириш манбаларига эта бўлади, ҳокимият органи эса бу маблағлардан фойдаланиш ҳақида қарорларни мустақил қабул қилишга ҳақли.

Бюджетлар ўртасидаги муносабатларнинг идеал расмси мана шундай. Амалда давлат бюджети билан маҳаллий бюджетлар ўртасидаги муносабатлар бу даражада аниқ эмас.

Маҳаллий тузилмаларни шакллантириша қуйидаги асосий ҳолатларни эътиборга олиш керак:

1. Ҳудуд инфратузилмасининг бирлиги. Поликлиникалар, мактаблар, қариялар уйлари ва фаолияти минтақа ҳудудидаги барча қишлоқлар, шаҳарлар, туманларнинг ўзаро манфаатлари соҳаси ҳисобланган бошқа ижтимоий обьектларнинг мавжудлиги. Маҳаллий миқёсда бюджет менежментини амалга ошириш жараённида молия менежери нафақат юқори бюджет, балки кўшни маҳаллий тузилмаларнинг бюджетлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини ҳал қилишига тўғри келади.

2. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи молиявий негизининг етарлилиги. Ўзини ўзи бошқарувчи бирликлар асосан дотациизиз фаолият кўрсатишини таъминлаш учун етарли бўлган маҳаллий ишлаб чиқариш ва молиявий-иқтисодий салоҳиятнинг мавжудлиги ёки бундай салоҳиятни вужудга келтиришнинг реал имконияти мавжудлиги. Акс ҳолда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш фоясининг обрўсига путур етиши мумкин.

3. Малакали ходимларнинг мавжудлиги. Молияни бошқариш ва бюджетни режалаштириш мутахассислари ҳисобланган, корпоратив молия ва корхоналар молиясининг асосларини яхши биладиган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ходимларининг тақчиллиги маҳаллий бюджетларнинг самарасиз тузилиши ва ижро этилиши хавфини вужудга келтиради.

4. Маҳаллий тузилмаларнинг иқтисодий салоҳияти (солиқ негизи), иқтисодий ривожланиши даражаси ва харажатлар қилиш эҳтиёжлари ҳақида тўлиқ ва асосланган статистика ахборотини ўз вақтида олиш имконияти. Бу ишларни амалга ошириш маҳаллий тузилмалар ҳудудидаги хўжалик фаолиятининг барча жиҳатларини тав-

сифловчи жорий ижтимоий-иқтисодий вазият ҳақидағи статистика маълумотларининг катта ҳажмларини мунтазам жамғарип таҳлилий қайта ишлаш билан боғлиқ. Бугунги кунда анъанавий ҳудудий тузилиш кесимида маълумотлар тўплайдиган Ўзбекистон Республикасининг давлат статистика идоралари ахборот манбаи бўлиб хизмат қиласи. Зарур асос ахборот бўлмаган тақдирда бюджетдан маблағларни объектив тақсимлаш имкони бўлмайди.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг харажатлар қилиш ваколатлари доирасини аниқлаш, бюджет мажбуриятларини чегаралашни Ўзбекистон Республикасининг марказий ҳукумати, субъектлари ва маҳаллий тузилмалари юритуви предметларини аниқ ажратишдан бошлаш лозим. Бунда маҳаллий тузилма деганда нима тушунилиши ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш қайси миёсда амалга оширилиши мумкинлиги қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилиши зарур.

Бинобарин, “Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг молиявий асослари тўғрисида” Қонунни ишлаб чиқиш, унда бюджетлараро тартибга солиш принципларини акс эттириш ҳисобига қонунчилик негизини жиддий такомиллаштириш зарур.

### **3.3. Минтақа бюджетининг даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш усулилари**

Бюджетни шакслантириш ва бюджет тақчиллигини ҳисоб-китоб қилиш даромад ва харажатларни ҳисобга олиш ва ҳисобот тузиш усулига асосланади. Даромад ва харажатларни ҳисобга олишнинг икки усули – касса усули ва ҳисоблаш усули мавжуд. Шунингдек бу усулярнинг такомиллаштирилган кўринишлари ҳам қўлланади.

Касса усули бюджет даромадларини пуллар амалда олинган, яъни бюджет ҳисоб варагларига пуллар келиб тушган пайтда қайд этишни назарда тутади.

Касса усули бўйича келадиган молиявий тушумлар бюджетни ижро этиш пайтидаги киримлари (солиқ киримлари)ни ҳамда давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг хўжалик фаолиятидан (давлат мулкини хусусийлаштириш, молиявий операциялар – замслар натижасида келган тушумлар ва ҳ.к.) келадиган киримларни ўз ичига олади. Бюджетни ижро этиш учун амалга ошириладиган барча тўловлар: асосий давлат функциялари ва маҳаллий функциялар (ҳукуқ-тартиботни сақлаш)ни бажариш, иқтисодий фаолият

(товар ва хизматлар сотиб олиш), инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун тўловлар, молиявий тўловлар (кредитларни қайта-риш ва фоизлар тўлаш) бюджет харажатлари ҳисобланади.

Касса усули ҳисобот давридаги пул маблағлари оқимларини аниқ акс эттиради, аммо ҳисобот давридан ташқардаги трансакци-яларнинг таъсирини акс эттирмайди, яъни узоқ муддатли лойиҳа-нинг молиявий самарадорлигини аниқлаш имконини бермайди, чунки мажбуиятларни ва активлардан узоқ муддат фойдаланиш на-тижасида олинган даромадни тўлақонли акс эттирмайди. Касса усу-лига асосан тузилган ҳисобот пул маблағларининг келиб тушиши ва тўловларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ бўлмаган опера-цияларни, шу жумладан нореализацион фойда ёки зарарни (маса-лан, валюталар курсининг ўзгариши натижасида активлар қийма-тининг ўзгаришини) акс эттирмайди.

Касса усулига асосан тузилган ҳисоботлар анча содда, аммо молия менежментининг молиявий ахборотга нисбатан тобора ор-тиб бораётган эҳтиёжларини қондира олмайди.

Касса усули билан бир қаторда унинг – такомиллаштирилган усули ҳам мавжуд. Бу усул ҳам пул маблағларини олиш ёки тўлаш пайтида трансакцияларни ҳисобга олади. Фарқ шундаки, ҳисоб ва-рақлар ёпилмайди, балки молия йили тугаганидан кейин маълум давр (одатда бир ой) мобайнода очиқ сақланади. Пул олиш ва тўлаш амалда олдинги молия йилида тузилган битимларнинг натижаси ҳисобланади. Жорий йилнинг келишилган даври мобайнода олин-ган пуллар кирим деб эътироф этилади ва олдинги йил ҳисоботида акс эттирилади.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда ҳисоблаш принципи бух-галтерия ҳисобини юритишнинг асосий усули ҳисобланади. Мазкур усулга асосан тузилган молиявий ҳисоботда ташкилот ихтиёридаги ресурслар, ишлаб чиқариш харажатлари ҳақида ишончли ахборот ҳамда молиявий ҳолатга ва ҳисобот давридаги ўзгаришларга баҳо беришда муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа маълумотлар акс эттирилади.

Ҳисоблаш усулидан фойдаланганда харажатларни қуидаги-ча туркумлаш мумкин:

1. Бюджет тўғрисидаги қонунга мувофиқ ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш харажатлари;
2. Давлат ва маҳаллий бошқарув органлари ходимларининг меҳ-натига ҳақ тўлаш;
3. Давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг харидларини

қоплаш, шу жумладан давлат ва маҳаллий бошқарув органлари корхоналарининг товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш харажатлари;

4. Ижара ва лизинг харажатлари;

5. Амортизация харажатлари, асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва сақлаш харажатлари;

6. Фоизлар тўлаш;

7. Ижтимоий трансфертлар;

8. Бошқа харажатлар, шу жумладан миллий валюта курсининг ўзгариши натижасида активлар ва заарлар қийматининг ўзгариши.

Такомиллаштирилган ҳисоблаш усули трансакцияларни ҳуқуқий жиҳатдан битим тузилаётган пайтда қайд этишни назарда туради. Такомиллаштирилган ҳисоблаш усули билан ҳисоблаш усули ўртасидаги асосий фарқ шундаки, такомиллаштирилган ҳисоблаш усулини қўллашда активларни эгаллаш жорий давр харажатлари сифатида акс эттирилади.

Такомиллаштирилган ҳисоблаш усулининг афзаллиги шундаки, у бюджетнинг пул ижросини янада аниқ баҳолаш, молиявий ҳолатни таҳлилдан ўтказиш (активларни сотиб олиш ва сотишдан олинган молиявий натижадан ташқари), иқтисоднинг жамоат секторига инвестициялар қилиш ва кредитлар бериш ҳақида қарорлар қабул қилиш имконини беради.

### **3.4. Минтақанинг бюджет билан таъминланганлиги тунунчаси**

Маҳаллий тузилмаларнинг бюджет маблағлари билан таъминланганлигига қараб уларга юқори бюджетлардан молиявий ёрдам кўрсатиш масалалари анча муҳим масалалардир. Бюджет билан таъминланганлик меъёри маҳаллий тузилма аҳолисининг жон бошига ҳисоблаганда бюджет маблағларига бўлган минимал эҳтиёжининг жорий харажатларда ҳисобланган кўрсаткичидир. Келтирилган таърифнинг ўзидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида мавжуд бюджетни режалаштириш ва бошқариш амалиёти бу воситадан фойдаланмайди.

Маҳаллий тузилмалар ўз ваколатларини тўлиқ бажаришлари учун минимал бюджет концепциясини ишлаб чиқишилари зарур. Минимал бюджет деганда қуйи ҳудудий тузилма тегишли бюджетининг юқори ҳокимиюят органлари кафолатлайдиган зарур харажат-

ларни қопловчи даромадларининг ҳисобланган ҳажми тушунилади. Бундай харажатларнинг бир қисми ҳисобланган ҳажм етарли бўлмаган тақдирда юқори ҳокимият органининг қарорига биноан тартибга солинадиган даромадлардан ажратмалар ҳисобидан, дотациялар ва субвенциялар билан қопланади.

Минимал бюджетнинг ҳажми муҳим турар жой-маиший, ижтимоий ва бошқа хизматлар билан зарур даражада таъминланганликнинг минимал кўрсаткичларининг натурал ва қиймат ифодаларини белгилайдиган минимал ижтимоий ва молиявий нормалар ва меъёрларга асосан аниқланиши лозим. Бюджет билан минимал зарур миқдорда таъминланганлик бунда давлат ҳокимияти ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли бюджетларнинг маблағлари ҳисобидан кўрсатилувчи давлат хизматлари ва маҳаллий хизматларнинг аҳоли жон бошита ҳисобланган минимал қиймати сифатида тушунилади.

Барча миқёсдаги бюджетлар фуқароларнинг конституциявий кафолатларини таъминлаш бўйича бюджетдан минимал зарур хизматларни кўрсатишлари лозим. Шунинг учун ҳам маҳаллий бошқарув органлари принципларига мувофиқ бюджет тизимини ислоҳ қилишда марказий органлар зиммасига бюджетлараро трансакциялар орқали минтақаларга ёрдам кўрсатиш ва солиқ-бюджет қонун ҳужжатлари ёрдамида минтақаларга конституциявий кафолатларни таъминлаш соҳасида ўз имкониятларидан мумкин қадар тўлиқ фойдаланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш вазифаси юкланади. Бу бюджет тизимининг вертикали бўйича солиқларни чегаралаш орқали минтақаларнинг ўз даромадларини ошириш, солиққа тортиш соҳасида маҳаллий ҳокимият органларининг хуқуқларини кенгайтириш механизми орқали амалга оширилади.

Бюджет билан таъминланганлик масалаларини кўриб чиқишида солиқлар орқали олиниши кутиласетган барча миқёсдаги бюджетларнинг даромадларини тўғри ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш масъулияти маҳаллий молия органлари зиммасига тушишидан келиб чиқиши лозим.

Минтақаларнинг бюджет билан таъминланганлигига баҳо беришнинг бир нечта назарий усуслари мавжуд.

Бундай усуслардан бири “репрезентатив солиқ тизими”нинг тур хили бўлиб, бунда солиққа тортиладиган негизлар ҳар бир минтақа солиқ органларининг ҳисоботлари ва солиқларнинг турлари бўйича режалаштирилган солиқ ставкаларига ва парчалаш меъёлра-

рига кўпайтирилади. Мазкур усул минтақаларнинг солиқ даромадлари зарур даражада объектив, ошкора ва мўътадил бўлишини таъминламайди.

Ялпи минтақавий маҳсулот (ЯММ) кўрсаткичи асосида минтақаларнинг солиқ салоҳиятига баҳо бериш усули муқобил усул ҳисобланади. Бу минтақаларнинг иқтисодий фаолияти натижаларининг кўрсаткичи, давлат бюджетини ишлаб чиқишида давлатнинг солиқ салоҳиятига баҳо бериш учун қўлланадиган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичининг минтақавий (такомиллаштирилган) ўхшашидир.

Минтақаларга бюджетдан трансферларнинг миқдорларини аниқлашда марказий молия органлари минтақалар иқтисодининг турли тармоқларига тушувчи солиқ юкламасининг тафовутларини акс эттирувчи бир-бирига “уланган” тузатиш коэффициентларини ҳисоблашни назарда тутадиган усулни қўллайдилар. Пировард натижада минтақанинг маҳаллий ва минтақавий бюджетларнинг солиқ даромадларини жамлаш борасидаги нисбий (аҳоли жон бошига ҳисобланган) имкониятларини тавсифловчи “солиқ салоҳияти” индекси (ССИ) ишлаб чиқилади.

Минтақаларнинг нисбий (аҳоли жон бошига ҳисобланган) харжат қилиш эҳтиёжларига баҳо бериш масаласига келсак, бюджетни тенглаштириш бўйича ҳалқаро амалиётда улар ё барча минтақаларга тенг леб олинади, ё аҳолининг бюджет хизматларидан фойдаланувчи сифатидаги сони ва тузилишини тавсифловчи кўрсаткичлар тўплами билан уларга тузатиш киритилади. Иккала вариантда ҳам бюджет хизматларини ишлаб чиқариш қиймати одатда бир хил деб қабул қилинадики, минтақалар ўргасида тафовут жиддий бўлган ҳолларда бу ўзида хато ташийди. ССИдан фойдаланиш мана шу хатони камайтириш ёки уни умуман четлаб ўтиш имконини беради.

Бюджет харажатлари индекси (БХИ) бир хил бюджет хизматлари кўрсатиш учун мазкур минтақада объектив минтақавий омиллар ва шарт-шароитлардан келиб чиқиб, бутун Ўзбекистон Республикасидаги ўргача кўрсаткичига таққослаганди, бюджетдан (аҳоли жон бошига ҳисоблаганди) қанча кўп ёки кам маблағлар сарфлаш лозимлигини кўрсатади. Унинг миқдори шартли равишда иккита катта гурухга ажратиш мумкин бўлган ўн бешта кўрсаткич билан аниқланади:

1) аҳолининг демографик тавсифи (мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшидати болалар, бошланғич ва ўрта таълим муассасалари

ўқувчилари, мәхнатта лаёқатли ёшдан катта ва кичкина аҳоли, төв аяғынан үзүннен салмоғи, мәхнат фахрийлари сони);

2) бюджет хизматлари бирлигининг қийматини тавсифлайдиган кўрсаткичлар – иш ҳақига нисбатан ҳудудий коэффициентлар, асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари даражаси, I кв. м. турага жой майдонини таъминлаш қиймати, аҳоли учун электр энергиясининг тарифи, доимий ишлайдиган транспорт йўлларининг зичлиги, ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг меъёрий сони.

ССИ сингари, БХИ ҳам жуда кўп ҳисоб-китобларни амалга оширишни тараб этади. Бироқ бюджетлар ўртасидаги муносабатларни самарали ислоҳ қилиш ва маҳаллий тузилмалар билан марказ ваколатларининг ажратилиши ўртасида энг мақбул нисбатга эришиш учун бундай ҳисоб-китоблар амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда мазкур индекслар прогноз ёки режа эмас, балки минтақаларнинг ҳам, умуман давлатнинг ҳам мавжуд бюджет ресурсларидан энг мақбул йўсина фойдаланиш имконини берадиган қўшимча восита бўлиб хизмат қилиши принципиал муҳимдир.

### **3.5. Иқтисодий таҳлилдан маҳаллий молия менежменти мақсадларида фойдаланиш**

Юзага келган минтақаларнинг молиясини бошқариш тизими айниқса маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари миқёсида бюджетни режалаштиришдаги камчиликлар билангина эмас, бюджет қарорларини ижро этиш ва бюджет кўрсаткичларини таҳлилдан ўтказишнинг етарли даражада самарали бўлмаган механизмлари билан ҳам тавсифланади.

Бюджет ресурсларини ҳудудий бошқариш тизимида бюджет кўрсаткичларини таҳлилдан ўтказиш усулологияси ва усуликасини такомиллаштириш муаммоларини иқтисод фанининг бир қатор тармоқлари, шу жумладан молия, статистика, иқтисодий таҳлил, шунингдек фалсафа, олий математика ва бошқалар ёрдамида ҳал қилиш лозим. Бюджет кўрсаткичларини таҳлилдан ўтказиш минтақанинг бюджет ресурсларини бошқариш жараёнининг муҳим унсуридир.

Иқтисодий таҳлил бюджет жараёнининг барча босқичларида турли молиявий назорат органлари: солиқ органлари, ҳисоб палаталари, назорат-тафтиш, молия органлари томонидан амалга оширилган.

рилади. Ҳисоб палатасининг эксперт-таҳлил ишлари Ўзбекистон Республикасида молиявий таҳдилнинг мутлақо янги йўналишидир. У бюджет режаларининг жорий харажатларини техник-иқтисодий асослаш, мақсадли дастурларни молиялаштириш тартиби ва шартлари, қонун, ҳужжатлари, ҳалқаро шартномалар ва ҳоказоларни йиллик экспертиза ва таҳдилдан ўтказишни ўз ичига олади. Бунда бирлаштирилган бюджет ва давлат бюджети лойиҳаси даромал ва харажатлар моддалари, давлат ички ва ташқи қарзлари миқдори ҳамда давлат бюджети тақчиллиги миқдорининг асосланганлигига алоҳида эътибор берилади. Ҳисоб палатаси амалга оширилган эксперт-таҳлил ишлари натижаларига қараб бюджет жараёнидаги камчилик ва хатоларни бартараф этиш, қонунчилик ва меъёрий негизни такомиллаштириш, давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш ва давлат бюджети маблағларини сарфлашдаги камчиликларнинг сабаблари ва оқибатларини ўрганиш натижаларини умумлаштириш юзасидан таклиф-мулоҳазаларни ишлаб чиқади.

Минтақа бюджет кўрсаткичларини гаҳдилдан ўтказишнинг иқтисодий мазмуни – бу минтақа бюджет режасининг асослилигини ва ижро этилишини тизимли, комплекс ўрганиш, мазкур натижаларга алоҳида омилларнинг таъсирини ҳар хил усуслар ёрдамида ҳисоблаш ва умумлаштиришdir. Бюджет кўрсаткичларини таҳдилдан ўтказиш усули унинг олдила турган вазифаларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, унинг предмети ва мазмуни билан белгиланади. Бюджет кўрсаткичларини таҳдилдан ўтказиш молия ресурслари балансининг динамикаси ва тузилишини таҳдилдан ўтказиш билан чамбарчас боғлиқ, чунки молия ресурслари балансининг динамикаси ва тузилишини таҳдилдан ўтказиш, бюджет ресурсларидан ташқари, минтақаларнинг кредит, бюджетдан ташқари ва бошқа молия ресурсларини ҳам ўз ичига олади.

Комплекслилик, асослилик, тезкорлик, муайянлик - бюджет тизимининг исталган поғонасида назорат-таҳлил ишларини амалга ошириша бюджет кўрсаткичларини таҳдилдан ўтказишга қўйиладиган муҳим талаблардир. Кенг кўрсаткичлар доирасини ўрганишга асосланган таҳлил минтақаларнинг молия ресурсларини бошқаришнинг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш имконини беради. Бу талаблар бюджет кўрсаткичларининг аудитила ҳам муҳим аҳамиятта эга, чунки улар бюджет жараёнига у ёки бу номақбул ҳодисаларнинг таъсири даражасини аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан муайян таклифлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва ҳаражатлари таҳлилдан ўтказишнинг объективлиги ва ҳужжатли асосланганлигига кўп жиҳатдан бюджет кўрсаткичларининг аудити, уларнинг тўғрилигини текшириш ва ишловнинг барча босқичларига боғлаб ўрганиш ёрдамида эришиш мумкин.

Бюджет кўрсаткичларининг комплекс таҳлили уларга таъсир кўрсатувчи омилларни тизимли ўрганишни назарда тутади. Аммо ҳозирги вақтда бюджет кўрсаткичларини турларига қараб таҳлилдан ўтказишни туркумлашнинг ягона мезонлари ишлаб чиқилмаган.

Бюджет режаларини ишлаб чиқиша бюджет жараёнининг босқичларига қараб ҳисобот даврида ва ундан олдинги даврда бюджетларнинг ижро этилишидан кутилаётган натижалар таҳлилдан ўтказилади. Бу таҳлил кўрсаткичларидаги оғишларни аниқлаш ва келгуси йилга бюджет кўрсаткичларини тасдиқлашда уларни ўзгартиришни назарда тутиш имконини беради.

Комплекс таҳлил бюджет даромадларининг барча манбаларини ва маблагларни сарфлаш йўналишларини қамраб олади. Уларни турли бюджетлар ўргасида тақсимлаш бюджет режаларининг ижро этилишига турли (ташкилий, хуқуқий, молиявий-иктисодий, ижтимоий аҳамиятга молик) омилларнинг таъсирини аниқлаш имконини беради.

Мавзули таҳлил комплекс таҳлил билан бир гуруҳга киради. У даромад манбаларини тўлиқ шакллантириш ва ижро этиш, маблаглардан мақсадли фойдаланиш, нормаларга риоя қилиш ва бошқа шунга ўхшаш масалаларни ўрганиш имконини беради.

Маҳаллий тузилмалар ва мингақаларнинг бюджет кўрсаткичлари ижро этилишини таҳлилдан ўтказиш тартиби қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- даромадлар ва ҳаражатлар бўйича бюджет кўрсаткичларининг бажарилиши, шунингдек даромадлар бўйича режаларнинг ошириб бажарилганлиги (бажарилмаганлиги)га таъсир кўрсатган омиллар, ҳаражатларнинг тўлиқ молиялаштирилмаганлиги сабаблари;

- тақчиллик ва унинг юзага келиши сабаблари, тақчиллик миқдорига режала белгиланган ҳаражатларнинг тўлиқ молиялаштирилмаганлиги ва даромадлар режаси ошириб бажарилганлигининг таъсири;

- бюджетга даромадлар келишининг ўсиши (камайиши) сабаблари, турли омилларнинг таъсирини аниқлаш;

- олинган қўшимча даромадларни давлат қарзи бўйича мажбуриятларни бажаришга йўналтириш имконини бермаган сабаблар;

- бюджет харажатларининг ҳимояланган моддаларини пул билан молиялаштириш;
- лицензия ва рўйхатга олиш йигимларини олиш режасининг бажарилиши (бажарилмаслиги) ҳамда уларни бюджет дароматига кирим қилиш тартиби;
- минтақада амалда бўлган қонун ҳужжатларининг бюджетнинг ҳимояланган моддаларини молиялаштириш ҳақидаги қоидларини амалга ошириш;
- асосий фондларга йўналтириувчи капитал қўйилмаларнинг миқдори ҳамла режага таққослаганда уларнинг ўсиши (камайиши) суръати;
- маҳаллий тузилмаларнинг минтақа бюджетидан олинган ссудалар бўйича жорий қарздорлиги; барча миқёсдаги бюджетларнинг тижорат банкларидан олган қарзлари;
- давлат қарзига хизмат қўрсатиш харажатлари, харажатларнинг умумий ҳажмида ва мақсадли бюджет фондларини ҳисобга олмагандан, харажатлар ҳажмида давлат қарзининг салмоғи;
- минтақа ва маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг валюта кредитлари бўйича шартли мажбуриятларини тўғри баҳолаш;
- кафилликларни тақдим этиш лимитларига риоя қилиш ва ҳ.к.

Шундай қилиб, бюджет қўрсаткичларини комплекс, тезкор ва асосли таҳлилдан ўтказиш йўли билан минтақаларнинг молия ресурсларидан фойдаланишинг самаралорлигини ошириш, уларнинг барқарор ўсиши учун шарт-шароитлар яратиш мумкин.

## Қисқача хуосалар

1. Маҳаллий молия менежментида минтақаларнинг молиявий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш усуллари ва механизмларининг аҳамиятини тушуниш ва уларни билиш алоҳида аҳамият касб этади. Жамиятда демократлаштириш жараёнларининг янада риножланishi ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ваколатларнинг берилиши мазкур масаланинг аҳамиятини янада оширали.

2. Мавжуд иқтисод назариясини ўрганиш минтақа миқёсида молия сиёсатининг мақсади минтақа аҳолисининг бюджетдан таъминланганлигини ошириш, аҳоли жон бошига даромадлар миқдорини кўпайтириш ва мазкур минтақада турмуш даражаси ижтимоий меъёрларини таъминлашдан иборат эканлигини кўрсатади. Таъбиики, бундай меъёрларни ишлаб чиқиш ва уларни тасдиқдаш масаласи кўндаланг бўлали. Бундай меъёрларнинг умумдавлат меъёрлари билан ўзаро алоқаси алоҳида аҳамиятга эга.

3. Ресурслар билан таъминлаш минтақа молия сиёсатини ишлаб чиқишининг ажралмас қисмидир. Макроиқтисодиёт нуқтаи назаридан минтақаларнинг ишлаб чиқариш кучлари, шу жумладан меҳнат ёшидаги аҳоли сони, минтақа ҳудудидаги корхоналарнинг асосий фондлари, унинг табиий ресурслари, минтақа хусусий молиявий капиталининг миқдори, минтақа молия инфратузилмасининг ривожланганлиги молия сиёсатининг ресурсларидир. Ишлаб чиқариш кучларининг юқорида зикр этилган унсурларини ишлаб чиқариш жараёнида ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳар қандай минтақанинг товарлар ишлаб чиқарини ва хизматлар кўрсатиш манбай ҳисобланган, барча молиявий оқимларни – ҳам ташки, ҳам ички молиявий оқимларни жамлайдиган иқтисодини вужудга келтиради.

4. Маҳаллий бошқарув органининг молия менежери ягона молиявий сиёсатни амалга оширишда идора ичидаги тўсиқларни таниб, улардан ўта олиши керак. Ҳудудий молия органларидан ташқари, назорат-тафтиш бошқармаси, суурта назоратининг ҳудудий бўлимлари ҳам фаолият кўрсатали. Бу органлар ўз муаммоларини ҳал қилишда ўзларига вертикал тобе бўлган органларга мустақил чиқалилар. Амалда бу амалга оширилаётган молия сиёсатининг унумдорлигини пасайишига олиб келиши мумкин.

5. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг мақоми билан боғлиқ масалалар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаганлиги бюджет мажбуриятларини белгилашга халақит беради.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан кейин ўтган ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида АҚШ ва Фарбий Европадагига ўхшаш тўлақонли маҳаллий тузилмалар тармоғи вужудга келтирилгани йўқ.

6. Шунта қарамай, харажатлар ва даромадларни шакллантириш ваколатларини давлат бошқарувининг минтақавий бўгинлари га беориши тенденцияси кўзга ташланади. Бу кучли марказлашган хукуматга эга унитар давлатларга хосдир. Бу объектив жараён бўлиб, давлат ҳокимиятини қарорларни қабул қилишда аҳолининг иштирокини кучайтириш, давлат хизматларининг сони, сифати ва тузилишини бу хизматлардан фойдаланувчиларнинг ҳоҳиш-истакларига яқинлаштириш томонга ўзгартириш умумжаҳон тенденциялари билан боғлик.

7. Бюджет федерализмининг асосий принципи шундаки, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир субъекти ўз бюджетига эга бўлади ва ўзига бириктирилган бюджет ваколатлари доираси қонун ҳужжатларига қатъий мувофиқ равишда фаолият кўрсатади.

Марказ билан молиявий муносабатларда барча субъектлар тенг ҳукуқлидир. Мазкур ўзаро муносабатларнинг шакллари келишувга асосан ўзгартирилиши мумкин. Фаолият ва жавобгарлик соҳалари, уёки бу миқёсдаги бюджетлар ҳисобидан харажатларни молиялаштириш соҳалари марказ билан субъектлар ўртасида чегараланади. Ҳар бир миқёсдаги бюджет ўз молиялаштириш манбаларига эга бўлади, ҳокимият органи эса бу маблағлардан фойдаланиш ҳақида қарорларни мустақил қабул қилишга ҳақли.

8. Маҳаллий тузилмалар ўз ваколатларини тўлиқ бажаришлари учун минимал бюджет концепциясини ишлаб чиқишилари зарур. Минимал бюджет деганда куйи ҳудудий тузилма тегишили бюджетининг юқори ҳокимият органилари кафолатлайдиган зарур харажатларни қопловчи даромадларининг ҳисобланган ҳажми тушунилади. Бундай харажатларнинг бир қисми ҳисобланган ҳажм етарли бўлмаган тақдирда юқори ҳокимият органининг қарорига биноан тартибга солиналигандан даромадлардан ажратмалар ҳисобидан, дотациялар ва субвенциялар билан қопланади.

9. Минимал бюджетнинг ҳажми муҳим турар жой-маиший, ижтимоий ва бошқа хизматлар билан зарур даражада таъминланганликнинг минимал кўрсаткичларининг натурал ва қиймат ифодаларини белгилайдиган минимал ижтимоий ва молиявий нормалар ва меъёрларга асосан аниқланиши лозим. Бюджет билан мини-

мал зарур миқдорда таъминланганлик бунда давлат ҳокимияти ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли бюджетларнинг маблағлари ҳисобидан кўрсатилувчи давлат хизматлари ва маҳаллий хизматларнинг аҳоли жон бошига ҳисобланган минимал қиймати сифатида тушунилади.

10. Минтаقا бюджет кўрсаткичларини таҳлилдан ўтказишнинг иқтисодий мазмуни – бу минтаقا бюджет режасининг асослилигини ва ижро этилишини тизимли, комплекс ўрганиш, мазкур натижаларга алоҳида омилларнинг таъсирини ҳар хил усувлар ёрдамида ҳисоблаш ва умумлаштиришилар. Бюджет кўрсаткичларини таҳлилдан ўтказиш усуликаси унинг оллида турган вазифаларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, унинг предмети ва мазмуни билан белгиланади. Бюджет кўрсаткичларини таҳлилдан ўтказиш молия ресурслари балансининг динамикаси ва тузилишини таҳлилдан ўтказиш билан чамбарчас боғлиқ, чунки молия ресурслари балансининг динамикаси ва тузилишини таҳлилдан ўтказиш, бюджет ресурсларидан ташқари, минтақаларнинг кредит, бюджетдан ташқари ва бошқа молия ресурсларини ҳам ўз ичига олади.

## **Мұҳокама ва назорат қилиш учун саволлар**

1. Маҳаллий миқёсда молиявий сиёsat қандай шакллантирилади?
2. Минтақа миқёсида бюджет ресурсларини бошқарыпнинг асосий компонентлари жумласига нималар киради?
3. Минтақа бюджетининг даромадлари ва харажатларини ҳисобга олишнинг асосий усуулларини санаб беринг.
4. Минтақаның бюджет билан таъминланғанлиги түшунчаси нимани тавсифлайди?
5. Иқтисодий таҳлилнинг маҳаллий молия менежменти унсур сифатидаги ролини тавсифлаб беринг.

### **Асосий адабиётлар:**

1. «Государственные и муниципальные финансы». М., «Финансы». 1999.
2. Грачева Е.Ю., Соколова Э.Д. «Финансовое право». М., «Новый юрист». 1998.
3. Грачева Е.Ю., Соколова Э.Д. «Налоговое право». М., «Новый юрист». 1998.
4. «Финансовый менеджмент». Под ред. Поляк. М., «Финансы». 1997.
5. «Экономика общественного сектора – основы теории государственных финансов». Под ред. Якобсона, М., «Аспект-Пресс». 1996.

## **Матида учрайдиган мураккаб сўз ва атамалар лугати**

**1. Давлат молияси ва маҳаллий молия** – бу реал пул айланишида молиявий ресурсларнинг марказлаштирилган фондларини таркиб топтириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш юзасидан вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуудир.

**2. Давлат бюджетдан ташқари фондлари** – бу Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан ва республика субъектларининг бюджетларидан ташқарида таркиб топтириладиган, пенсиялар, ёрдам пуллари ва бошқа ижтимоий-сугурга тўловларини амалга оширишга мўлжалланган марказлаштирилган пул маблағлари фондларидир.

**3. Макроиқтисодиёт** – иқтисод фанининг йирик иқтисодий агрегатлар – миллий даромад, ялпи жамғармалар, инвестициялар, бандлик, муомаладаги пул массасининг ўзаро таъсирини ҳамда уларнинг миқдори ва ўзгариш суръатларига таъсир кўрсатадиган омилларни тушунтирувчи бўлими.

**4. Микроиқтисодиёт** - иқтисод фанининг фирмалар ва рўзгор хўжаликларининг хулқ-атворини, уларнинг ўзаро таъсири хусусиятини тушунтирадиган бўлими.

**5. Маҳаллий (муниципал) молия** – бу маҳаллий аҳамиятта молик вазифаларни ҳал қилиш учун ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш юзасидан вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуудир.

**6. Режалаштириш** – мақсадларни таърифлаш ва уларга эришиш йўлларини танлаш.

**7. Реал пул айланиши** – бу қийматни ҳаракатга келтирадиган, пул тўловлари ва ҳисоб-китоблари оқимлари кўринишида кечадиган иқтисодий жараён.

**8. Уч поғонали бюджет тизими** - қўйидагиларни:

- давлат бюджетини ва давлатнинг бюджетдан ташқари фондларини;

- Ўзбекистон Республикаси субъектларининг бюджетларини ва ҳудуний бюджетдан ташқари фондларни;

- маҳаллий (муниципал) бюджетларни ўз ичига олувчи бюджет тизими.

**9. Мақсадли бюджет фонди** – бу мақсадли йұналишда ва ало-хыда смета бүйіча сарфланадиган даромадлар ҳисобига таркиб топтириладиган марказлаштирилған пул фонди (давлат әхтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хұжалик маңсулотлари учун ҳисоб-китоблар фонді)дир.

**10. Молия менежменти** – бу пул айланишини, молия ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланишини бошқариш жараёни, пул айланишини ва молия ресурсларини бошқариш шакллари, усууллари ва усууллари тизимидир.

**11. Молия ресурслари** - кенгайтирилған такрор ишлаб чиқарышни молиялаш манбаси ҳисобланған пул айланиши объекти.

**12. Бюджет жараёни** - бюджетни тузиш, күриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш изчил босқичларининг мажмуси.

**13. Молия менежменти** - бу молияни бошқариш мақсадларини ишлаб чиқиш ҳамда молия механизмининг усууллари ва воситалари ёрдамида уларга таъсир күрсатиш жараёнидир.

**14. Молиявий режалаптириш** – бу одамлар томонидан мудайян молиявий тадбирларнинг ишлаб чиқилиши жараёни.

**15. Молия менежментида прогноз қилиші** - обьектнинг молиявий ҳолатидаги ўзгаришларни узоқ истиқболға ишлаб чиқиш.

**16. Стратегик молия менежменти** – инвестицияларни бошқарыши.

**17. Тезкор-техникавий молия менежменти** – нақд пулларни тезкор бошқариш.

**18. Молия механизми** - молия ресурсларини ташкил этиш, режалаштириш ва улардан фойдаланишда ўз ифодасини топтувчи молиявий воситаларнинг таъсири тизими.

**19. Молиявий усул** – хұжалик жараёнига молиявий муносабатларнинг таъсир күрсатиши усули.

**20. Молия механизмнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъ-**

**минлаш** - қонун ҳужжатлари, қарорлар, буйруқлар ва бошқарув органнадарининг бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари.

**21. Молия механизми фаолиятини меъёрий таъминлаш** - йўриқномалар, меъёрлар, нормалар, тариф ставкалари, қабул қилинган технологиялар, тушунтиришлар, усуликалар ва ишлаб чиқаришнинг товар ва хизматларни реализация қилиш билан алоқасини акс эттирувчи бошқа ҳужжатлар.

**22. Молия механизмининг фаолиятини ахборот билан таъминлаш** - ҳар хил иқтисодий, тижорат, технологик ва бошқа ахборотлар.

**23. Асосий фондлар (асосий капитал)** – бу ҳўжалик жараёнида кўп карра ишлатиладиган, шунга қарамай ўзининг моддий-табиий кўринишини ўзгартирмайдиган меҳнат воситаларидир.

**24. Номоддий активлар** – бу саноат ва интеллектуал мулк обьектлари ҳамда бошқа мулкий ҳуқуқларнинг қийматидир.

**25. Даромадни капиталлаштириш** – бу келажакда кутилаётган даромадларни бугунги кунда бираваракай олинадиган қийматга айлантириш, яъни даромадларни капиталга айлантириш.

**26. Шартли-ўзгарувчи сарф-харажатлар** – ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлади ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига мутаносиб равишда ўзгаради.

**27. Шартли-ўзгармас сарф-харажатлар** – бу маълум даврдаги ишлаб чиқариш ҳажмита боғлиқ бўлмайдиган харажатлардир.

**28. Рентабеллик бўсағаси** – ўзгармас ва ўзгарувчи харажатларнинг ўзини оқлашини таъминлайдиган ишлаб чиқариш ҳажми.

**29. Айланма маблағлар (жорий активлар)** - бир ишлаб чиқариш цикли давомида пул маблағларига айлантириш мумкин бўлган активлар.

**30. Таваккалчилик** - фойдадан маҳрум бўлиш ва бошқа сабабларга кўра зарар кўриш сингари ёмон оқибатлар рўй бериши эҳтимоли билан ифодаланади.

**31. Амортизация** – бу асосий фондларнинг мунтазам йиғилиб борадиган эскиришининг қиймат ифодаси, яъни тегишли активлар қийматини оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришидир.

## **Қўшимча адабиётлар:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси». Т., “Ўзбекистон”, 1999.
2. «Налоговый Кодекс Республики Узбекистан». Т., 1998.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида». Т., «Ўзбекистон», 1995.
4. Каримов И.А. «Узбекистан, устремленный в ХХI век». Доклад на XIV сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан. «Народное слово». 15 апреля 1999.
5. «Нормативные акты Республики Узбекистан по вопросам муниципального финансового менеджмента, государственным финансам».
6. Астапов К.Л. «Методы учета доходов и расходов федерального и регионального бюджетов». «Финансы», 2002. № 5.
7. Горегляд В.П. «Об особенностях современного бюджетного процесса». «Финансы». 2002. № 10.
8. Пансков В.Г. «Межбюджетное распределение налоговых доходов». «Финансы». 2002. № 8.
9. Ермакова Т.А. «Казначейская система: кому исполнять бюджет региона». «Финансы». 2002. № 4.
10. Пудров Ю. «Правовая защита доходов местного бюджета». «Финансы». 2002. № 6.
11. Колесов А.С. «Финансовая политика субъекта Российской Федерации. Цели, ресурсы, пути». «Финансы». 2001. № 7.
12. Болотин В.В. «О минимальных муниципальных бюджетах». «Финансы». 2001. № 7.
13. Фролова Н.К. «Финансовая стабилизация регионов — основа бюджетного федерализма». «Финансы». 2002. № 9.
14. Игудин А. «Проблемы укрепления доходной базы местных бюджетов». «Финансы». 2000. № 12.



Шербакова Галина Леонидовна

## МАҲАЛЛИЙ МОЛИЯ МЕНЕЖМЕНТИ

(Ўқув қўлланма)

Напр учун маъсул:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Адабиёт жамғармаси директори

Курбонумурод Жұмасев

Мұсаввир:

Ақбарағи Мамасолиев.

Теринига берилди 04.01.2004 й. Босимга рухсат этилди 20.01.2004 й.

Қоға формати 60x84 ¼<sub>32</sub>. Офсет босма усулида босилди.

Напр босма тобоги 6. Нусхаси 250.

Буюртма № 73

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси изартиёти.

700000. Тошкент, Ж-Неру, 1.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

босмахонасида чоп қилинди.

Тошкент шаҳри, Хадича Сулаймонова, 33-уй